



O'zbekiston «Adolat»
sotsial-demokratik
partiyasi

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2021-YIL 24-IYUL, SHANBA ★ № 30 (1347)

info@adolatgzt.uz
www.adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgzt-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat



САЙЛОВ КАМПАНИЯСИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

23 июль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Сиёсий партиялар раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда Марказий сайлов комиссияси томонидан 2021 йил 24 октябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни, деб белгиланди. Сайлов кампанияси 23 июлдан бошланиши эълон қилинди.

Президент сайлови шу йил 8 февралда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ, октябрь ойида бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси Зайниддин Низомжўяев Президент сайлови янгиланган миллий сайлов қончилиги, умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос, демократик тамойиллар асосида, очиқ ва ошқора ўтказилиши алоҳида қайд этди.

Бўлажак сайлов 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган демократик ғояларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлади.

2016 йил 4 декабрдаги Президент сайловидан буён ўтган беш йил мобайнида халқ, мамлакат ҳаётида, жамиятда, миллий сайлов қончилигида улкан ўзгаришлар юз берди. Нуфузли халқаро ташкилотлар

ҳамда экспертлар кенг эътироф этишганидек, бу даврда республика ҳаётининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларида халқ фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган дадил ислохотлар амалга оширилди. Илк бор Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси асосида ўтадиган Президент сайловида конституциявий қоидалар ва халқаро сайлов стандартларига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти, яъни давлат раҳбари даврийлик принципи асосида сайланиши таъминланади. Қолаверса, мамлакатимизда сиёсий партиялар сони яна биттага кўпайиб, партиялараро рақобат сезиларли даражада кучайди.

Мажлисида сайлов кампанияси даврида барча сиёсий

партиялар ва улар кўрсатган номзодлар учун соғлом рақобат муҳити ва тенг шароит яратилиши алоҳида таъкидланди. Бунда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишлар, жумладан, сайловчиларнинг овоз бериш жараёнини ўз номзодини илгари сурган сиёсий партиялар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар вакиллари, журналистлар, жумладан, хорижий журналистлар — минглаб кузатувчилар кузатиб боради.

Бўлажак сайловни сиёсий-ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йил 14 апрелда тасдиқланган Ўзбекистон

Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастурига биноан, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Унга кўра, Президент сайловининг аҳамияти, ўзига хос жиҳатлари, Сайлов кодекси, сайлов қончилигига киритилган ўзгариш ҳамда кўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга ва сайлов ташкилотчиларига етказиш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Айтиш жоизки, сайлов кампанияси эълон қилингунга қадар бўлган даврда амалга оширилган бундай тадбирлар миллионлаб фуқароларни қамраб олди.

Муҳтарам КОМИЛОВА,
Ўза муҳбири

ТАЪМИР ДАВОМ ЭТМОҚДА,



МАБЛАҒ
ЭСА...

2

СУДЬЯНИ ҲАҚОРАТЛАГАН ШАҲС



ҚОНУНИЙ
ЖАЗОГА ТОРТИЛДИ

4

МОЗИЙДАН ЛАВҲАЛАР



5


МЕТРО БЕКАТИДАГИ ТИРБАНДЛИК



мақсад чиндан ҳам йўловчиларга қулайлик яратишми ёки...

6

Рус аёлининг НАВОИЙГА ЭҲТИРОМИ



6

Бугуннинг гапи

ХАЛҚНИНГ КўНГЛИГА ВАҲИМА СОЛАЁТГАНЛАР

Вакцина
нима
эканини
билишадими?



Мамлакатимизда эпидемиологик вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда, гарчи барча сазъ-ҳаракатлар халқимизнинг умумий манфати, аҳоли саломатлигини асрашга қаратилган бўлса-да, коронавирусга қарши эмланиш жараёнлари нисбатан суст бораётгани, баъзи юртдошларимиз вакцина олишга ҳаммон иккиланаётгани бор гап.

2

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ТАРҚАЛГАН ВИДЕОМУРОЖААТ ЮЗАСИДАН

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Тошкент Асаб ва руҳият илмий-тиббий маркази директори, профессор Зарифбой Ибодуллаев ижтимоий тармоқларда тарқалган видеомурожаатида юртимизда амалга оширилаётган оммавий вакцинация жараёнларида қўлланилаётган Ўзбекистон — Хитой ҳаммуаллифлигидаги ZF-UZ-VAC2001 вакцинасининг яратилиш бошқилари ҳақида маълумотлар йўқлигини айтиб, ушбу вакцина қўлланилишининг мақсадга мувофиқлигини шубҳа остига олади.

З.Ибодуллаевнинг эътирозлари ноўрин ва ҳақиқатга умуман тўғри келмайди, у томонидан тарқатилган видеоматериаллар Ўзбекистонда



амалга оширилаётган оммавий вакцинация жараёнларида аҳолини чалғитишга хизмат қиляпти.

Профессор З.Ибодуллаев илмий журналлардаги маълумотларни ўрганмай, мазкур вакцина ҳақида ҳеч қаерда

маълумотлар берилмаган, деб халқимизнинг кўнглига гулгула солмоқда. Қуйида профессор томонидан берилган саволларга жавоб берамиз.

4

ХАЛҚНИНГ КЎНГЛИГА ВАҲИМА СОЛАЁТГАНЛАР

Вакцина нима эканини билишадими?

Иккиланишларга эса, шубҳасиз, кунда, кунаро ижтимоий тармоқларда тарқалаётган айрим “билимдон”ларнинг “вакцина олсангиз ундоқ бўлодур, вакцина олсангиз бундоқ бўлодур”, қабилидаги чиқишлари сабаб бўлмоқда. Афсуски, халқимиз жуда содда ва ўта ишонувчан. Эгнига оқ халат кийиб, бўйнига шифокорларнинг фонендоскопини илиб олган одам гапирса, “Шу бир нарсани билади. Билмаса гапирмас эди”, деб эргашиб кетаверади. Тан олиб айтишимиз керак, бугун мамлакатимизда коронавирусга қарши эмлаш жараёнининг оқсашига ҳам айнан билиб-билмай, масаланинг туб илдизига етиб бормай ижтимоий тармоқларда чиқиш қилиб, шунинг ортидан “машхур”-лик даъво қилаётган ва уларнинг “чиқиш”ларини турли тармоқларда тинимсиз тарқатиб, “очко” ишлаётганлар сабаб бўлишмоқда.

Келинг, масаланинг моҳиятини аниқлаштиришдан аввал бу борада хорижда қандай ишлар амалга оширилаётганига бир назар ташлайлик. Шу ўринда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг кўрсатмасига эътибор қаратсак, коронавирус касаллигидан ҳимояланиш, ушбу инфекция тарқалишининг олдини олишда энг самарали чора – вакцинация ҳисобланади. COVID-19га қарши жамовий иммунитетни шакллантириш учун эса аҳолининг камида 60-70 фоизи эмланиши талаб этилади. Бугунга қадар Буюк Британияда аҳолининг 66 фоизи, Италияда 57 фоизи, Германия ва АҚШда 55 фоизи, Францияда 52 фоизи, Хитой ва Туркияда 43 фоизга яқини коронавирусга қарши эмлангани ва бу кўрсаткич кун сайин ортиб бораётгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Узбекистонда эса 1 миллиондан зиёд фуқаро коронавирусга қарши тўлиқ эмланган. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига биноан, 2021 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, мамлакатимизнинг доимий аҳолиси 34 860 170 киши эканини ҳисобга олсак, бу эмлаш жараёни ўта суст бораётганини аниқлади. 2021 йил 23 июль ҳолатига кўра, Узбекистонда коронавирус инфекцияси қайд қилинганлар сони 122 786 (+738) нафарни ташкил этмоқда. Вакцина олиш учун қулай шарт-шароитлар яратилгани, эмлаш белуп амалга оширилаётганига қарамадан, ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилган вакцинация жараёни ҳақидаги баъзи ноҳолис хабарлар, видеоларлар фуқаролар кўнглида турли шубҳа-ғумон пайдо бўлишига олиб келаяпти. Афсуски, орамизда ўзи вакцина олмагани етмагандек, бошқаларни ҳам шунга ундайдиган, шу мақсад йўлида турли уйдирмаларни тарқатишдан тап тортийдиган кимсалар ҳам учраб турибди.

Хабарингиз бор, *Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан бошланган «Мен вакцина олдим» (#менвакцина олдим) акцияси доирасида кўплаб таниқли шахслар вакцина олгани суратлар ва видеоларлар орқали ижтимоий тармоқларда эълон қилинди.* Жумладан, *Бухоро давлат тиббиёт институти ректори Шуҳрат Тешаевнинг коронавирус инфекциясига қарши эмлангани акс этган сурат ижтимоий тармоқларда кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди. Ректорни эмлаш пайтида ҳамшира қўлига қўлқоп киймагани, шприцнинг ҳолати ҳам ишубҳа остига олинди.* Шунингдек, *Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиққўжаевнинг ўзбек-хитой вакцинаси иккинчи дозаси билан эмлангани тасвири видеои ҳам ижтимоий тармоқларда кўзбўямачилик сифатида талқин этилди.*



Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Мухими, Бухоро давлат тиббиёт институти ректори Шуҳрат Тешаев ҳам, Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиққўжаев ҳам коронавирусга қарши чиндан эмлангани далиллар асосида ўз исботини топди. **Хўш, вакцина олганларга нисбатан ижтимоий тармоқлар орқали шубҳа уйғотган кимсаларга қандай қонуний чоралар қўрилди? Агар улар қилмишига яраша жазога тортилган бўлса, нега бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида хабар берилмади? Агар халқнинг кўнглига гулгула солаётган, эмлашга қарши “от суриб”, “машхурлик шоҳсўпаси”га интилаётганларга нисбатан қонуний таъсир чоралари қўлланилган экан, миш-мишларга чек қўйиб бўлмайди.** Назаримизда, ҳуқуқ-тартибот идоралари коронавирусга қарши эмланиш самара бермайди қабилидаги гап-сузлар, сохта, яна ҳам аниқроқ айтганда, устакорлик билан монтаж қилинган тасвирларни тарқатган кимсаларга нисбатан кескин чора қўриши зарур ва шарт. Шубҳа-ғумонларга барҳам берилсагина, кўзга кўринмас ёв — коронавирусга қарши курашиш ҳам, уни енгиш ҳам осонроқ кечади.

Суяндик МАМИРОВ, “Adolat” мухбири

Муаммо билан юзма-юз

ТАЪМИР ДАВОМ ЭТМОҚДА, МАБЛАҒ ЭСА...

2021-2022 ўқув йили бошланишига ҳам оз фурсат қолмоқда. Ушбу ўқув йилини қабул қилишга барча мактаблар тайёрми? Жорий йилнинг 15 июль санасида Сирдарё вилояти Ховос туманида жойлашган бир қатор мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари қай даражада кетаётганлиги, ушбу мактабларнинг 2021-2022 ўқув йилига тайёргарлиги ҳамда мактабларда сайлов олди ишларининг қай даражада амалга оширилаётганлигини текшириш ва ўрганиш мақсадида Сирдарё вилоят халқ депутатлар Кенгаши депутати, Сирдарё вилояти Ижтимоий-маданий ривожланиш комиссияси раиси Мухаммад Исмоилов ҳамда Сирдарё вилояти халқ депутатлар Кенгаши аъзоси Ўришали Шодмонов ва Сирдарё вилояти Ховос тумани ҳокимлиги вакиллари мактабларда ўрганиш ўтказишди.

“ХОВОС ТУМАНИ “МУСТАҚИЛЛИК” МФЙДА ЖОЙЛАШГАН 19-СОНЛИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА БЎЛИБ ЎТДИ ВА БУ ЕРДА ҚУЙИДАГИ ҲОЛАТЛАР АНИҚЛАНДИ:

- МАКТАБ ТАЪМИРИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС, МАКТАБДА 30 ЙИЛДАН БУЁН КАПИТАЛ ТАЪМИР ИШЛАРИ ОЛИБ БЕРИЛМАГАН;
- МАКТАБ ТАЪМИРИ УЧУН ДАСТЛАБ 294 МИЛЛИОН СЎМ МАБЛАҒ АЖРАТИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН, АММО 168 МИЛЛИОН СЎМ АЖРАТИЛГАН. МАКТАБ ДИРЕКТОРИ ШУҲРАТ МУСТАФОҚУЛОВНИНГ СЎЗЛАРИГА КЎРА, УШБУ МАБЛАҒ МАКТАБНИНГ ФАҚАТГИНА ОЛД ҚИСМИНИ ТАЪМИРЛАШ УЧУН ЕТАР ЭКАН;
- МАКТАБНИНГ ИЧКИ ҚИСМИ, ЎҚУВ ХОНАЛАРИ, ЖИҲОЗЛАРИ, СПОРТ ЗАЛИ ВА ПОЛИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС...

Дастлаб, Ховос туманида жойлашган 13-сонли умумтаълим мактаби текширувдан ўтказилди. Саодат Тошбоева раҳбарлигидаги ушбу таълим масканини 2021-2022 ўқув йили бошланишидан олдин капитал таъмирдан чиқариш режалаштирилган. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича олиб борилган ўрганиш ишларидан сўнг қуйидагилар аниқланди:

- бу маскан 270 ўринга мўлжалланган ва кимё-биология фанларини чуқурлаштириб ўргатишга ихтисослаштирилган мактаб бўлиб, дастлаб ушбу мактабнинг капитал таъмири учун 5 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилиши белгиланган, лекин иқтисодий қийинчиликлар сабабли таъмир учун 2.5 миллиард сўм ажратилган;
- мактаб ҳудудида жойлашган спорт залини таъмирлаш ва мактаб биноси ичида хожатхона қуриш таъмирлаш режасига киритилмаган;
- таъмирлаш ишлари бўйича иш бошқарувчи Хуршид Анорқуловнинг сўзларига кўра, таъмирлаш ишларида ҳеч қандай муаммо йўқ ва иш режаси бўйича 80 фоиз бажарилган. Капитал таъмирлаш ишлари

15 августга қадар тугаши режалаштирилган. Кейинги ўрганиш манзили Ховос туманида жойлашган 14-сонли умумтаълим мактаби бўлди. Бу мактабни ҳам 2021-2022 ўқув йилидан олдин тўлиқ капитал таъмирлаш режалаштирилган. Бу ерда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича олиб борилган ўрганиш ишларидан сўнг қуйидагилар аниқланди:

- 720 ўринга мўлжалланган ва рус тилини чуқурлаштириб ўргатишга ихтисослаштирилган ушбу мактабнинг капитал таъмири учун 7 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилиши белгиланган, лекин иқтисодий вазият сабабли таъмир учун 3.2 миллиард сўм ажратилган;
- мактаб директори Саодат Тошхожаевнинг сўзларига кўра, қурувчи “Янгир Транс Файз” ҳамда таъмирлаш бўйича иш бошқарувчи Қахрамон Сулаймонов ва унинг гурухи билан ҳеч қандай муаммо йўқ. Фақатгина таъмирлаш ишларига маблағнинг кам ажратилгани сабабли мактаб томининг таъмири қурилиш режасига киритилмаган;
- таъмирлаш ишлари режаси бўйича

70 фоиз иш бажарилган. Капитал таъмирлаш ишлари 1 сентябрга қадар тугаши белгиланган. Кейинги ўрганиш ишлари Ховос тумани “Мустақиллик” МФЙда жойлашган 19-сонли умумтаълим мактабида бўлиб ўтди ва бу ерда қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

- мактаб таъмири талаб даражасида эмас, 30 йилдан буён капитал таъмир ишлари олиб берилмаган;
- мактаб таъмири учун дастлаб 294 миллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган, аммо 168 миллион сўм ажратилган. Мактаб директори Шуҳрат Мустафоқуловнинг сўзларига кўра, ушбу маблағ мактабнинг фақатгина олд қисмини таъмирлаш учун етар экан;
- мактабнинг ички қисми, ўқув хоналари, жиҳозлари, спорт зали ва поли талаб даражасида эмас...

ташриф буюришди. Али Холназаров, Содиқ Усмонов, Саид Жалолов каби маҳалла оқсоқоллари билан мазкур муаммо юзасидан суҳбат қуришди. Маълум бўлишича, маҳаллада 3000 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла фуқаролари ибодат қилиши учун масжид йўқ. Аҳоли 10 километр узоқда жойлашган масжидга ибодат қилиш учун боришига тўғри келаётган экан. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида маҳалла аҳли томонидан 200 ўринга мўлжалланган масжид қуришга рухсат берилмаётганлиги аниқланди. Масжиднинг барча хужжатларидан нусхалар олинди ва бу масаланинг ечими юзасидан вилоят халқ депутатлари Кенгаши аъзолари Ўзбекистон мусулмонлар идораси билан боғланишга ваъда беришди. Суҳбат давомида вилоят халқ депутатлари Кенгаши аъзоси Ўришали Шодмонов депутатлар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача маълумот берди. Кун давомида муаммо ва таклифлар атрофида ўрганилди ва Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Сирдарё вилояти Халқ таълими бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотларга ушбу муаммолар ечими юзасидан расмий баёнот берилди. Навбатдаги масала муаммоларнинг қандай ечим топишида...

Фотима САТТОРОВА, Тошкент вилоят кенгаши матбуот котиби

Мавзуга қайтиб

Кейинги кунларда ижтимоий тармоқлар орқали Самарқанд вилояти Пастдаргом туманида шифокор калтаклангани ҳақида хабарлар тарқалди. Биз, “адолат”чилар электоратимиз вакиллари бўлган шифокорларнинг калтакланишини жиддий қонунбузарлик деб биламиз ва бу ишга қўл урган фуқаро ким бўлишидан қатъи назар, жиний жавобгарликка тортилишини талаб қиламиз.



Хорижий тажрибаларга кўра, Америка Қўшма Штатларининг деярли барча штатлари қонунларида фельдшерлар, ҳамширалар ва шифокорларга ҳужум қилганлик учун 25 йилгача қамоқ жазосини белгиловчи нормалар мавжуд. Россия Федерациясининг Жиноят кодексига тиббиёт ходимларининг соғлиғига зарар етказиш ҳолати учун 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Бунда жабрланган шифокорлар ҳам, ҳодиса гувоҳи бўлган фуқаролар ҳам маъмурий ёки жиний иш кўзга тиш ташаббуси билан чиқишлари мумкин. **Бизда-чи? Бу ҳолат қачонгача давом этади? Иссиқ жоннинг иши тушиши мумкин бўлган шифокорларни турли хавф-хатар ва тажовулардан ҳимоя қилиш, уларга қилинган тажовуз, калтаклаш, таҳқирлаш учун қатъий ва қаттиқ жазо чоралари қўриш пайти келмадимикан?** Ҳодиса юзасидан тегишли мутасаддилар эътибор қаратиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан адолатли қарор чиқарилишини кутамиз! Воқеа юзасидан батафсил маълумотларни ўрганишларимиз натижасида баён этамиз. Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

Худудий ташкилотларда: Қорақалпоғистон Республикасидаги ўзгаришлар

ИЗЛАНИШ, ТАШАББУСКОРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ — ютуқлар гарови



Инсон ҳуқуқ ва эркиликларини таъминлашга йўналтирилган ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этиш Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар асосини ташкил этади.

Бунини теран англаган Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши фаоллари электорат ва сайловчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий-сиёсий билимларини ошириш билан бир қаторда, уларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги иштирокига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши таркибига Нукус шаҳри ва 16 та туман кенгашлари, 415 та бошланғич ташкилотта партиянинг 33 728 нафар аъзолари бирлашган.

Олий Махлис Қонунчилик палатасида 1 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига 5 нафар, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларида 59 нафар депутатларимиз фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи домида «Адолат – кунун устуворлигида», «Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур», «Жамоатчилик назорати – кунун устуворлигининг гарови», «Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик», «Самоматлик йўлида бирлашайлик», «Тозалик йўлида бирлашайлик», «Сиёсий-ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш – демократик жамият пойдевори» каби лойиҳалар доирасида партияимиз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш,

дастурий вазифаларимиз ижросини таъминлашга ҳаракат қилдик.

Ҳар бир депутат ўзи сайланган ҳудуд аҳолисини мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари, миллий ва халқаро тажрибалардан хабардор қилиб боришга масъул эканлигини юракдан ҳис этиши керак.

Шуларни инобатга олиб, депутатларимиз ўзи сайланган ҳудудларда аҳоли билан яқин мулоқот ўрнатиб, бўлиниш қувончу ташвишларига шерик бўлишига ҳаракат қилиб келишмоқда.

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига фракцияси аъзолари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида кўмига мажлисларига 2 та, сессия муҳокамасига 1 та масала киритилган бўлса, шаҳар ва туман кенгашлари томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари муҳо-

масига 25 та, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари сессиялари кун тартибига 27 та масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилган.

Партияга аъзоларни қабул қилиш режасини 105 фоизга ва аъзолик бадали йиғимини 116 фоизга бажаришга эришдик, 13 та янги бошланғич партия ташкилоти тuzулиб, фаолияти йўлга қўйилди.

Биз юқорида тилга олган партия лойиҳалари доирасида умумтаълим мактабларидаги ошхоналарнинг бугунги ҳолати, ўқув дарсликлари ва уларда ўқувчи хатоларни аниқлаш, онкологик касалликларни даволаш ва олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, маданият саройларининг моддий-техник базаси, кадрлар билан таъминланганлик даражаси, мактабларда musiqa фанини ўқитиш ҳолати каби қатор ўрганишлар олиб борилди.

Ўрганишлар натижалари бўйича тўпланган маълумотлар умумлаштирилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди ва партия Марказий аппаратида етказилди.

«Сиёсий-ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш – демократик жамият пойдевори» лойиҳаси доирасида партия лекторлари томонидан маҳаллаларда 204 маротаба сиёсий ўқувлар ташкил этилиб, 2652 нафар иштирокчилар қамраб олинди.

«Муаммо билан юзма-юз» лойиҳаси доирасида эса партиянинг ишчи гуруҳ аъзолари томонидан 202 та маҳалла-

даги 1934 та хонадон ва 102 та ҳўжалик юритувчи субъектлар ўрганилди.

Учрашувларда фуқаролардан 268 та мурожаат келиб тушди, улар юзасидан 81 та мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди. 30 дан ортиқ мурожаат тегишли идораларни жалб этиши орқали жойида ҳал этилган бўлса, 155 таси юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, партияимиз коррупцияга қарши курашиш масаласида ўз позициясига эга сиёсий куч сифатида Сайловолди дастурида унга қарши курашишни асосий мақсадларимиздан бири этиб белгилади.

Ешлар онгида ушбу иллатга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Биз коррупциясиз келажак тарафдоримиз!» шиори остида иншолар танлови ўтказилди. Танлов ўқувчилар, уларнинг устозлари ва ота-оналарида ҳам катта таассурот қолдирди.

Ўтган даврда партия Сайловолди дастурида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига қаратилган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича туркум тadbирлар ташкил этилди.

Хусусан, «Адолатли қайнона» кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичлари юқори савияда ўтказилди.

Партия фаолиятини самарали амалга оширишда «Еш адолатчилар» қаноти вакиллари фаоллиги ҳам алоҳида эътиборга молик.

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Еш адолатчилар» қаноти таркибига бугунги кунда 11468 аъзоларимиз бирлашган. Улар орасидан 2 нафар Олий Махлис Қонунчилик палатаси ҳузурдаги Ешлар парламенти аъзолигига сайланган, 4 нафар Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, 100 дан ортиқ турли танлов ва фан олимпиадалари ғолиблари ўз тенгдошларига намуна бўлиб келмоқда.

Албатта, ҳар қандай ютуққа эришиш, изланиш, ташаббускорлик ва масъулиятни талаб қилади.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши бундан кейин ҳам белгиланган режалар ва Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатишга интилади.

Нурлыбай ҚАЙПБЕРГЕНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
кенгаши раиси

Партия хабарлари

«Адолат» СДПнинг «Муаммо билан юзма-юз» лойиҳаси доирасида ҳар ҳафтанing чоршанба куни фуқаролар билан яккама-якка мулоқотлар ташкил этилиб, ўрганиш ишлари олиб борилаётганидан хабарингиз бор, албатта.

ХОТИН-ҚИЗЛАР машинали бўлишди

Ҳақиқатда бундан қатъий назар, партиянинг Богот туман кенгаши ҳамда туман ҳокимлиги вакиллари «Богот» маҳалласида «Темир дафтар» рўйхатида турувчи хотин-қизлар билан учрашди. Уларнинг яшаш шароити кўздан кечирилди. Мулоқот жараёнида аниқланган муаммоларга тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш орқали ечим топишга киришилди.

– Ёшлигимдан тикувчилик касбига қизиқишим туфайли шу хунарни эгаллаб оиламга, одамларга хизмат қилиш ниятда эдим. Аммо замонавий тикув машинаси сотиб олишга қурбим етмаётганди, – дейди Доноҳон Рўзметова. – Депутатимиз Қ.Хўжақовнинг кўмаги билан нафақат мен, менга ўхшаган яна 14 нафар хотин-қиз субсидия асосида тикув машинали бўлдик. Мана энди ўрганган хунарим оиламнинг фаровонлигини таъминлайди.

Боготлик партиядошларимиз «Муаммо билан юзма-юз» лойиҳаси доирасидаги сай-ҳаракати билан туманда бу каби хайрли ишлар давом этмоқда.

Саодат МАШАРИПОВА,
партия фаоли

ВОЛОНТЁРЛАР тарғиботи

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилоят кенгаши қошида ташкил этилган Андижон давлат тиббиёт институти талабаларидан иборат «Еш волонтерлар» гуруҳи аъзоларининг соғлом турмуш тарзига қаратилган тарғибот тadbирлари давом этмоқда.



Жалақудук туманидаги «Капа» ва «Маданият» МФЙларда ўтказилган «Соғлом ҳаёт билан келажак сари» тadbирларида 3 минг нафардан зиёд фуқаролар қамраб олинди.

Бўлғуси шифокор-волонтерлар жамоатчилиги орасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқatlanиш, жамоат жойларида никоб тақиб юришининг инсон саломатлигига фойдаси юзасидан тушунча берилди. Шунингдек, коронавирусдан сақланишнинг асосий омилларидан бири вакцина олиш эканлиги юзасидан маълумотлар берилди.

Нилуфара ЙЎЛДОШЕВА,
Андижон вилоят кенгаши ижроси қотиби

Депутатлик гуруҳларида

Сўхликлар ЕР ЭГАЛАРИГА АЙЛАНИШМОҚДА

Фаргона вилоятининг Сўх туманида кейинги йилларда янгилашларнинг амалга оширилишида партиянинг иштироки ҳам сезиларли бўлмоқда. Халқ депутатлари Сўх туман Кенгаши депутатлари – Ўткиржон Болтабоев, Амрало Сафаров, Субхонали Нишонов, Сўхробоҳон Қозиев, Расулхон Қозиев, Мирзоамин Ифтихонов, Қодирбек Амирбеков, Раҳмон Бобоевлар худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли муҳофазатларининг хал этилишига хизмат қилиб келмоқда.

Туманининг «Ҳазрати Али» маҳалла фуқаролар йиғини худудда партия депутатлари ташаббуси билан аҳолиимизга ва болақонларимизга давлат стандартларига мос янги замонавий хусусий шерикчилик асосида «Амирхон Мустафо» номи мактабгача таълим муассасаси очилиб, фойдаланишига топирилди. Ўзбек ва рус тилларига ихтисослаштирилган ушбу болалар боғчасига маҳалладаги боғча ёшида бўлган 50 нафар тарбияланувчилар қамраб олинди. Бундан ташқари, 10 нафар хотин-қизлар доимий иш билан таъминланганлиги янада қувончларидир. Жамиятда аёлларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг жамият ҳаётида иштирокини янада оширишга имкон яратилди.

Мастонаҳон Санобарованинг 6 нафар фарзанди бор. Икки фарзанди боғча ёшида. Депутатлар мазкур оилаларга ёрдм кўрсатиш мақсадида бир нафар фарзандига тўловни амалга оширмаслик учун шaroит яратиб беришди.

2020 йил 8 августда давлатимиз раҳбарининг «2020-2021 йилларда Фаргона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-tadbирлари тўғрисида»ги қарори имзоланган эди. Ушбу қарорга мувофиқ, 2020-2021 йилларда Фаргона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-tadbирлари дастури тасдиқланган. Унга асосан, Сўх туманининг барча маҳаллалар худудидаги қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган ерларни ўзлаштириш орқали фуқароларга 20 сотихдан томоғқа ажратиб бериш кўрсатилган.

Мазкур масалаларда фуқаролар депутат Субхонали Нишоновга мурожаат қилишган. Ушбу мурожаатга асосан депутат Сўх туман ҳокими депутатлик сўрови юборди. Туман кенгаши депутати сўровига асосан «Ҳазрати Али» МФЙ маъмурий худудидан 6 нафар фуқароларга томоғқа учун 20 сотихдан ер майдони ажратиб берилди.

Депутатлар – Ўткиржон Болтабоев ва Расулхон Қозиев бошчилигида эса «Чашма» МФЙдаги Варган ва Қасмидон массивларидаги 200 гектар экин майдонларини суғориш учун 4 та қудуқ вазилиги, ишга туширилди. Бунинг натижасида «Ешлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган 100 нафар фуқароларнинг деҳқончилик билан шуғулланишлари учун шaroит яратилди.

Шунингдек, партиянинг «Саховат – беназир кадрият» лойиҳаси доирасида депутатлар томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга гўш, ун ва турли озик-овқат махсулотлари етказиб берилмоқда. Жумладан, «Мулгон», «Янгириқ», «Офтобўй», «Сарибозорча», «Сариканда» ва «Ҳазрати Али» МФЙларда яшовчи кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга зарур маҳсулотлар манзилли тарқатилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди.

Бугунги кунда сўхлик депутатлар фуқаролардан келаяётган кўпба мурожаатларга мутасаддилар эътиборини қаратиб, ўз ўрнида ечим топишга, маҳаллалар обод, қўчаларнинг равон ва нурафшон бўлишига вақолати доирасида ўз ҳўсасини қўшишга ҳаракат қилмоқдалар. Энг муҳими, уларга сайловчиларнинг ишончи ортиб бормоқда.

Фаргона вилоят кенгаши матбуот хизмати

Учта болалар боғчаси ишга тушди

Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ҳар бир аъзоси сиёсий онгини тўғри шакллантириш ва билимларини мунтазам ошириб бориш асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.



Бу борада жойлардаги қуйи ташкилотлар томонидан белгиланган режа асосида, партия аъзоларидан тортиб, раҳбарларига бўлган қатламнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда партиянинг Қораўзақ туман кенгаши таркибида партия аъзолари сони 2000 нафарга яқин бўлиб, улар 22 та БПТга бириктирилган. Маҳаллалар ва корхона-ташкilotлар қо-

худудида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш асосий муаммолардан бири. Қишлоқ ҳў бўлгани учун аҳоли асосан деҳқончилик, қорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланади. Аёлларни дала, томоғқа юмушларига жалб этай десак, ёш болаларини қаровисиз қолдира олмайди.

Шуларни ҳисобга олиб, БПТ фаоллари билан маслаҳатлашиб, оилавий боғчалар фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган хотин-қизларни аниқлаб, уларга ҳар томонлама кўмак бериб, 3 та оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил қилишга эришилди.

Натижада ола-сингилларимизнинг оилавий тadbиркорлик билан шуғулланиши учун имконият кенгайди.

Ташаббускор аёллардан С.Зарлықова «Перийзат», З.Мнажова «Мнажова Замира», М.Балтабаева «Балтабаева Меҳрибан Ерсайым қизы» нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйди.

Дарҳақиқат, «Бердақ» сайлов округи худуди мисолида ҳам аёлларнинг бандлиги таъминланishi масаласига ечим топишда мактабгача таълим муассасаларига болалар қаровини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этишини кўриб туришимиз.

Сарсенгул САЙЫМОВА,
халқ депутатлари
Қораўзақ туман Кенгаши
депутати

Ёшлар бандлиги – УСТУВОР ВАЗИФА



М.Низаматдинов депутат сифатида зиммасига юклатилган масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда сайловчилар ишончини оқлашга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсад йўлида аҳолини қийнаб келаятган муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиш чораларини кўраяпти, фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан мутасадди ташкilotларга депутатлик сўровлари юбориш билан чекланиб қолмасдан, мурожаатлар ижобий ечим топишини ҳам назорат қилиб бормоқда.

Тadbиркор сифатида М.Низаматдинов ёшлари иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратаяпти. Айни пайтда «ECOLINE ROOT» МЧЖда 100 нафарга яқин ишчилар меҳнат қилаётган бўлса, улардан 30 нафардан ортиги ёшлардир. Мазкур корхона 2016 йилда Хитой Халқ Республикаси инвесторлари билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, кўпгина касалликларга қарши қўлланиладиган, маҳаллий ўсимлик ҳисобланган қизилмиядан унинг экстрактини ишлаб чиқаради ва экспорт қилади. Корхонада Хитойдан келтирилган замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар ўрнатилган, бу ерда меҳнат қилаётган ишчилар учун етарли шарт-шaroитлар яратилган. Шунга яраша иш унумдорлиги ҳам юқори. Ҳозирги кунда корхонанинг йиллик даромади 1 миллион 300 минг долларни ташкил этади.

Дарвоқе, 2021 йил «ECOLINE ROOT» МЧЖ раҳбари Мансур Низаматдинов учун жуда омадли йил бўлди. У ҳар йили аънаваний тарзда ўтказиладиган «Ташаббус-2021» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида муносиб қатнашиб, «Йилнинг энг яхши еш тadbиркори» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Баҳадыр ЖУЗБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот қотиби



«Сибё» бозори яқинидаги ошхоналардан бирида тушлик қилиб ўтирган эдик. Ёнимиздаги сўрида ўтирган чолу кампир тушлик қилиб бўлгач дуога қўл очишди. Бобо замонамизга тинчлик, элга омонлик, ризку насибамизга бутунлик тилади. Ўринларидан турган момо дастурхондаги нон бўлаklarини йиғиштириб олиб, тугунчага солди. Бобо нон ушоқларини териб олди.



УЛУҒ НЕЪМАТ ҚАДРИ

Фермерларимиз галла режаларини урдалаб, ортиғини аэзоларига ҳам тақсимлашди. Омборларимиз донга тўлди. Ахир бу Яратганининг инояти эмасми? Инсон ҳаётга келибдики яши, бахтли яшашга интилади. Турмуши тўкин-сочин бўлишини истайд. Бироқ бу дегани ноз-неъматларини истаганча исроф қилишнинг, хоҳлаганча тўкиб-сочинишнинг мумкин дегани эмас-да. Биз, аввало, тежовли бўлишимиз зарур, йўқса, биримиз икки бўлмайди.

Адолат тарозиси

Шу йилнинг февраль ойида фуқаролик ишлари бўйича Фаргона туманлараро судига Фаргона шаҳрида яшовчи Эъзо Назаридиновдан даъво ариза келиб тушди. Унда даъвогар турмуш ўртоғи Ҳайрат Назаридиновга нисбатан умумий мулкларни бўлиш юзасидан ҳал қилув қарори чиқаришни сўраган. Бинобарин, мазкур даъво ариза тегишли тартибда (электрон тарзда) қайд этилиб, судья Гулнара Обидованинг иш юритувига берилган.

Албатта, Г.Обидова аввалига даъво ариза ва унга илова тарзда тақдим қилинган ҳужжатлар билан батафсил танишиб чиқади. Сўнг яавобгар Ҳ.Назаридинов номидан бўлган, Фаргона тумани «Илгор» МФЙ «Саховат» кўчаси 48-уйга нисбатан суд-қурилиш техник экспертизаси тайинлади.

СУДЪЯНИ ҲАҚОРАТЛАГАН ШАХС



ҚОНУНИЙ ЖАЗОГА ТОРТИЛДИ

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Адлия вазирлиги ҳузуридидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Фаргона вилоят бўлими давлат суд эксперти Хаттамжон Мадррахимов экспертиза ўтказиш жараёнида судьядан низоли хонадонни бирағликда кўздан кечиришни сўрайди. Шу боис Гулнара Обидова Ҳ.Мадррахимов ва судья ёрдамчиси Хуршид Тўрабоевлар билан бирга Ҳ.Назаридиновнинг уйига боради. Шунда эшикни ёш-гина келинчақ очди. Судья уни Уткиржоннинг иккинчи рафикаси деб ўйлайди.

— Хужайинингизни қақриб бериңг, — дея илтимос қилади Г.Обидова.

Бироздан сўнг уй олдида «Матиз» русумли автомашинани келиб тўхтайди. Машинадан тушган лигит жавобгарнинг укаси Маҳмуджон Ахунов бўлиб, эшикни очган келинчақ унинг аёли эди.

— Эъзо Назаридиновнинг умумий мулкни бўлиш ҳақидаги даъво аризасига асосан экспертиза тайинланган. Мана, суд ажрими. Шунинг учун биз уйни кўздан кечиришимиз керак, — деб тушунтиради Гулнара Обидова. Аммо М.Ахунов судьянинг уйга киришига фаол қаршилик қилади. Бу ҳам етмагандек, турли куракда турмайди-дан сузлар билан сўкиб, ҳақоратлайди. Шу боис Г.Обидова Фаргона вилоят ички ишлар бошқармасининг «102» рақамига сир қоқиб, ўзига нисбатан қаршилик қилинаётганини билдирмоқчи бўлади. Бироқ Маҳмуджон бу харакатга ҳам қаршилик кўрсатади. Яъни судьянинг «Redmi note 9» русумли уяли телефон аппаратини қўлидан қўлиб олиб, ерга уриб синдиради. Оқибатда телефон синиби баробарида ўша ердан чўқурга тушиб кетеди.

Шундан сўнг судья ҳолат юзасидан тегишли баённома расмийлаштирилади. Гулнара Обидова эса бу ҳусудда Фаргона вилоят судининг раисига билдирги билан мурожаат қилади. Шу билан бирга, М.Ахуновга нисбатан Фаргона Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддаси (Ҳақорат қилиш), 612-моддаси (Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш)нинг 1-қисми билан маъмурий иш кўзғатилади.

Фаргона шаҳридаги «Континент имкон 20» масъулияти чекланган жамиятининг 2021 йил 23 апрелдаги 181-сонли баҳолаш ҳисоботи илгари фойдаланишда бўлган «Redmi note 9» русумли уяли телефон баҳоси 1.600.000 сўм эканлигини тасдиқлайди.

Жорий йилнинг 19 май куни мазкур иш жиноят ишлари бўйича Фаргона туман судига қўриб чиқилади. Пировадида суд Маҳмуд Ахуновни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қоридидаги моддалари билан айбдор деб топиб, кодекснинг 34-моддаси талаби билан унга узил-кесил базавий ҳисоблам миқдорининг йилгирма баравари — 4.900.000 сўм миқдорда жарима жазоси тайинлади. Шунингдек, суд қароридан ҳуқуқбузардан Г.Обидова фойдасига 1.600.000 сўм зарарни ундириш ҳам белгиланади. Лекин...

Лекин жабранланувчи суднинг айти қароридан норози бўлиб, Фаргона вилоят судига апелляция шикоятини берди. Апелляция суди мажлисида биринчи босқич суди ҳуқуқбузар М.Ахуновга жазо тайинлашда унинг шахсини, содир этган ҳуқуқбузарлигини, жабранланувчининг даъвоси борлигини инобатга олиб, қонун санкциясида назарда тутилган жарима жазосини тайинлаган, деган ҳалосага келинди. Аммо жабранланувчига етказилган моддий зарар миқдори нотўғри белгилангани айтилди. Негаки, Гулнара Обидова «Redmi note 9» русумли телефон аппаратини 2020 йил 26 декабрь куни фарзанди И.Обидов номига Учқўприк туманидаги «Safad smart elektroniki» МЧЖдан пулни 11 ой давомда бўлиб тулаш шарт билан жами 4.620.000 сўмга сотиб олганлиги ва хозирга қадар тўловни амалга ошириб келаётганлиги аниқланди. Ана шу асосларга таянган Фаргона вилоят суди жиноят ишлари бўйича Фаргона туман судининг Маҳмуд Ахуновга нисбатан 2021 йил 19 майда чиқарилган қарорини ўзгартириб, ундан Г.Обидова фойдасига 4.620.000 сўм моддий зарар ундириш, қарорнинг қолган қисmini ўзгаришсиз, жабранланувчининг апелляция шикоятини эса қаноатлантирилмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарди.

Мана шу тариқа суд ажримини менсимай, судьяга фаол қаршилик кўрсатган ҳамда унинг ҳақорат қилган ва моддий зарар етказган қимсининг таноби тортилди. Бу эса «қахрамон» имиз сингари зўравонларга сабоқ бўлса ажаб эмас.

Авазбек ИНАМОВ,
Фаргона вилоят судининг судьяси
Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

Ошхонада микозлар кўп эди. Икки қариянинг замонаг шукроналар келтириб дуо қилишганини, нонни қадрлаб кўзларига тўтиё айлаганларини биров сезди, биров сезмади. Бирок ён томондаги столда ўтирган ёш йигит-қизларнинг ошқора ҳиринглаб, нон бўлаklarини йиғиштириб олган кексалар устидан қулганлари кўччиликни ранжитди.

Одийгина туюлган бу воқеа замирида нималар ётибди, буни ақли бутун ҳар бир киши фахлай олади. Бундай пайтда ўйланиб қолсан, киши. Наҳотики, одамзот тўқлиқнинг қадрига етиш учун очарчилиқни қўриш керак? Наҳотики, асосий фаза синовлари тўғрисидаги мақола жорий йилнинг 24 март куни чоп этилган: [https://doi.org/10.1016/S1473-3099\(21\)00127-4](https://doi.org/10.1016/S1473-3099(21)00127-4).

3-фаза клиник синовлари бўйича маълумотлар қуйидаги ҳаволада берилган: <https://clinicaltrials.gov/ct2/show/NCT04646590>. Бундан ташқари, мазкур вакцинанинг турли штаммларга қарши таъсири ҳақидаги мақола нонфузли Cell Research (CR) халқаро илмий журналида ҳам чоп этилган: <https://www.nature.com/articles/s41422-021-00514-9>.

Фермерларимиз галла режаларини урдалаб, ортиғини аэзоларига ҳам тақсимлашди. Омборларимиз донга тўлди. Ахир бу Яратганининг инояти эмасми? Инсон ҳаётга келибдики яши, бахтли яшашга интилади. Турмуши тўкин-сочин бўлишини истайд. Бироқ бу дегани ноз-неъматларини истаганча исроф қилишнинг, хоҳлаганча тўкиб-сочинишнинг мумкин дегани эмас-да. Биз, аввало, тежовли бўлишимиз зарур, йўқса, биримиз икки бўлмайди.

Ривоят қилишларича, қадимда бир ҳумқдор ўтган экан. Қўшини билан бийдай чўлдан ўтаётиб от устида тамадди қилиб олишларига ўтди келибди. Бир маҳал у қўлни осмонга кўтариб «тўхтаңг» ишорасини қилибди. Қўшин тўхтаб, амрни кўтибди. Шунда подшоҳ «Йўлда кўлимдан ноннинг ушоғи тушиб кетди, уни топинлар» дебди. Бутун боши қўшин кум баргига сингиб кетган ушоқни топишолмабди. Шунда подшоҳ ушоқ тушган жойни муриллаб, атрофини бандан девор билан ўраётди. Уша йили салтанатига қарашли галларзорларда чунон ҳосил бўлибдики, буни қўрган кексалар «Олампадохимизнинг кўтлугу ниютлари, пой қадاملари шарофати бу!» дея эътироф этишибди. Ҳақ гап! Қаредна нон, дон қадрланса, ўша жойда барокат бўлади. Бу йил сув мўл, об-ҳаво қўлай келганлиги деҳқонларимизнинг галладан кўзлаган ҳосилини олишига имкон яратди.

Шукри, эндиликда Ўзбекистон хорижга галла экспорт қилаётган мамлакатлар қаторида турибди. Шу пайтгача асосий эътибор миқдорга қаратилиб келинди, бу сир эмас. Энди эса сифатга диққат қилинмоқда. Ўзбекистон бугдойзорлари бир-бирдан фарқ қилади. Бугина эмас, туманлараро ҳам турлича тупроқ, сув, иқлим шароитлари кузатилади. Шуларни ҳисобга олган олимларимиз деҳқонлар билан ҳамкорликда селекция ишларини давом эттиришмоқда. Хар бир худудга мос, оппоқ ва таркибиде қайишқоқ модда маромида булган ун берувчи бугдой навлари яратилмоқда. Гап яна ўша нонга, ноннинг қадрига етишимиз ҳақидаги гапга бориб тақалаверади. Ҳа, юртимиз бойлиги булган улуг неъмат — донни, нонни кўз қорачуғидек асарлиқ, увол қилмайлик!

Шукри, эндиликда Ўзбекистон хорижга галла экспорт қилаётган мамлакатлар қаторида турибди. Шу пайтгача асосий эътибор миқдорга қаратилиб келинди, бу сир эмас. Энди эса сифатга диққат қилинмоқда. Ўзбекистон бугдойзорлари бир-бирдан фарқ қилади. Бугина эмас, туманлараро ҳам турлича тупроқ, сув, иқлим шароитлари кузатилади. Шуларни ҳисобга олган олимларимиз деҳқонлар билан ҳамкорликда селекция ишларини давом эттиришмоқда. Хар бир худудга мос, оппоқ ва таркибиде қайишқоқ модда маромида булган ун берувчи бугдой навлари яратилмоқда. Гап яна ўша нонга, ноннинг қадрига етишимиз ҳақидаги гапга бориб тақалаверади. Ҳа, юртимиз бойлиги булган улуг неъмат — донни, нонни кўз қорачуғидек асарлиқ, увол қилмайлик!

Ориф **ХОЛИҚУЛОВ,**
«Adolat» муҳбири

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ТАРҚАЛГАН ВИДЕОМУРОЖАТ ЮЗАСИДАН

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

1. ZF-UZ-VAC2001 ВАКЦИНАСИ УСТИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚЛАР ҲАҚИДА НОНУЗЛИ ХАЛҚАРО ИЛМий ЖУРНАЛЛАРДА МАҚОЛАЛАР ЧОП ЭТИЛГАНМИ?

Айнан Ибодуллоев тилга олган нонфузли халқаро «the Lancet» тиббиёт журналида мазкур вакцинанинг биринчи ва иккинчи фаза синовлари тўғрисидаги мақола жорий йилнинг 24 март куни чоп этилган: [https://doi.org/10.1016/S1473-3099\(21\)00127-4](https://doi.org/10.1016/S1473-3099(21)00127-4).

3-фаза клиник синовлари бўйича маълумотлар қуйидаги ҳаволада берилган: <https://clinicaltrials.gov/ct2/show/NCT04646590>. Бундан ташқари, мазкур вакцинанинг турли штаммларга қарши таъсири ҳақидаги мақола нонфузли Cell Research (CR) халқаро илмий журналида ҳам чоп этилган: <https://www.nature.com/articles/s41422-021-00514-9>.

<https://uznews.uz/uz/article/25995/>
<https://daryo.uz/.../ozbekistonda-xitov-vaksinasini.../>

<https://daryo.uz/.../sinovda-ola-azolarim-ham.../>
2020 йил 19 ноябрь куни Инновацион ривожланиш вазирлигининг Илгор технологиялар маркази томонидан сифат назорати текширувларини ўтказиш учун тақдим қилинган вакцина, плацебо намуналар ва тегишли стандартлар ҳамда реагентлар Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузуридидаги Давлат маркази томонидан қабул қилинди.

<https://xs.uz/.../ozbekistonda-khitov-vaksinasining.../>
<https://uznews.uz/uz/article/26612/>
2020 йил 10 декабрь куни Ўзбекистонда коронавирга қарши рекомбинант вакцинанинг учинчи синов босқичига старт берилди.

<https://teznews.uz/.../ozbekistonda-vakcinazisiya.../>
<https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/10/vaccine/#/>
<https://kun.uz/.../ozbekistonda-koronavirusga-qarshi.../>

<https://azon.uz/.../koronavirus-uzbekistonda-vakcinaning-uch.../>
<https://uz-vac2001.vacinasini-tadqiqotlarini-n.../>
2020 йил 10 декабрь куни Ўзбекистонда коронавирга қарши рекомбинант вакцинанинг учинчи синов босқичи бошланди ва тадқиқот ишлари давом этмоқда. Ўз навбатида, хозирда жаҳонда мавжуд барча вакциналарнинг 3-босқич синовлари давом этаётганини маълум қиламиз.

<https://daryo.uz/.../ozbekistonda-koronavirusga-qarshi.../>
<https://t.me/mtrkuzofficial/32257>
<https://t.me/mtrkuzofficial/31508>
<https://t.me/mtrkuzofficial/35426>
<https://t.me/mtrkuzofficial/30376>
<https://t.me/mtrkuzofficial/30170>
<https://t.me/mtrkuzofficial/30084>
<https://t.me/mtrkuzofficial/28378>
2021 йил февралда Zheifei Longcom Biopharmaceutical Co. Ltd компанияси коронавирга қарши вакцина яратишда Ўзбекистоннинг ҳиссаси ва сатъ-ҳаракатларини инобатга олиб, ZF 2001 вакцина билан яратган ҳаммуаллиф мамлакат сифатида белгиланди. Ушбу янги вакцина ЗF-UZ-VAC 2001 номи билан биргаликда ишлаб чиқариш ва фойдаланилишига келишилгани билдирилди.

<https://t.me/mtrkuzofficial/34545>
<https://www.gazeta.uz/uz/2021/02/17/zf-vaccine/#/>
<https://uz.uz/.../ozbekiston-xitov-vaksinasining.../>

1 март куни Ўзбекистонда коронавирга қарши илк вакцина давлат рўйхатидан ўтказилди. Рўйхат рақами — DV/X 08646/03/21

<https://kun.uz/.../ozbekistonda-koronavirusga-qarshi-ilk.../>
<https://uz.uz/.../ozbekiston-koronavirusga-qarshi-ilk.../>
<http://uzpharmagency.uz/.../ozbekistonda-koronavirusga-%D2.../>

Шунингдек, узбек — хитой вакцинаси бўйича маълумотлари <https://t.me/vaksinuzb>, телеграм каналлари орқали олишимиз ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тақдим этилган махсус даъвоетҳдан (<https://online.pubhtml5.com/fkya/nind/>) танишимиз ҳам мумкин.

<https://uznews.uz/uz/article/25995/>
<https://daryo.uz/.../sinovda-ola-azolarim-ham.../>
<https://xs.uz/.../ozbekistonda-khitov-vaksinasining.../>
<https://uznews.uz/uz/article/26612/>
<https://teznews.uz/.../ozbekistonda-vakcinazisiya.../>
<https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/10/vaccine/#/>
<https://kun.uz/.../ozbekistonda-koronavirusga-qarshi.../>
<https://azon.uz/.../koronavirus-uzbekistonda-vakcinaning-uch.../>
<https://uz-vac2001.vacinasini-tadqiqotlarini-n.../>
<https://daryo.uz/.../ozbekistonda-koronavirusga-qarshi.../>
<https://t.me/mtrkuzofficial/32257>
<https://t.me/mtrkuzofficial/31508>
<https://t.me/mtrkuzofficial/35426>
<https://t.me/mtrkuzofficial/30376>
<https://t.me/mtrkuzofficial/30170>
<https://t.me/mtrkuzofficial/30084>
<https://t.me/mtrkuzofficial/28378>
<https://www.gazeta.uz/uz/2021/02/17/zf-vaccine/#/>
<https://uz.uz/.../ozbekiston-xitov-vaksinasining.../>
<https://kun.uz/.../ozbekistonda-koronavirusga-qarshi-ilk.../>
<https://uz.uz/.../ozbekiston-koronavirusga-qarshi-ilk.../>
<http://uzpharmagency.uz/.../ozbekistonda-koronavirusga-%D2.../>
<https://t.me/mtrkuzofficial/21791>
<https://t.me/mtrkuzofficial/16298>
Мутаассадлар томонидан берилган интервьюлар:

2. НИМА УЧУН МАЗКУР ВАКЦИНА ЯРАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМАТЛАР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА КЕНГ ЁРИТИЛМАДИ?

Тўғри, Россия телевидениеси ўз вакцинаси тарғиботи билан жиддий равишда шуғулланди. Лекин у «пир»дан бошқа нарса эмаслигини 3.Ибодуллоевнинг ўзи ҳам унда яши билди. Бу борда профессор ўз чиқишларида кўп гапирган. Хусусан, Россия фармацевтик компанияларнинг қўллаб-қувватлови билан таъминланган конференциялар, чоп этилаётган мақолаларнинг қай мақсадларда амалга оширилаётгани ҳақидаги профессорнинг фикрларини қуйидаги ҳавола орқали ўқишимиз мумкин: <https://kun.uz/ru/news/2021/01/23/professor-zarifboy-ibodullayevov-vse-napravljeniya-nashey-meditsinyi-ponovlobbizm>.

Ўз навбатида, ZF-UZ-VAC2001 вакцинасининг юртимизга кириб келиши, учинчи босқич синовларида Ўзбекистоннинг иштроки ҳақидаги мақолалар, кўрсатувлар ОАВда кенг ёритилган. Қуйида вакцинанинг юртимизга кириб келиши ва тадқиқотлар хронологияси ва улар ҳақида ОАВда чиққан айрим материалларга ҳавола берамиз. Албатта, барча материалларга ҳавола беришимиз битта баёнотда имкони йўқ, чунки улар жуда кўп.

2020 йилнинг август ойида Ўзбекистон — Хитой ўртасида вакцина хариди бўйича музокарапар ўтказилди. <https://t.me/mtrkuzofficial/14946>
<https://t.me/mtrkuzofficial/14960>
2020 йилнинг 21 октябрь куни Инновацион ривожланиш вазирлиги коронавирга қарши рекомбинант вакцинанинг клиник синовлари Ўзбекистонда ташкил этиш масаласи бўйича Хитой Фарналар академияси Микробиология институти ва “Anhui Zhifei Longcom Biopharmaceutical” компанияси вакиллари билан музокарапар ўтказди.

3. ZF-UZ-VAC 2001 ВАКЦИНАСИНИ ЯРАТИШДА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИНИНГ ҲАҚИДА

ZF-UZ-VAC 2001 вакцинанинг 3-босқич синовларида инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридидаги Илгор технологиялар маркази томонидан сифат назорати текширувларини ўтказиш учун тақдим қилинган вакцина, плацебо намуналар ва тегишли стандартлар ҳамда реагентлар Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузуридидаги Давлат маркази томонидан қабул қилинди.



лиги ҳузуридида Илгор технологиялар маркази ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий-тежироби институти илмий жамоаси иштроки этган. Синовларга Инновацион ривожланиш вазирлиги ва академик, генетик-олим Иброҳим Абдурахмонов раҳбарлик қилган. Тадқиқот ишларида Илгор технологиялар марказининг қатор олимлари — биология фанлари доктори, профессор Шахло Турдиқулова, биология фанлари доктори Алишер Абдуллаев, биология фанлари номзоди Дилбар Долимова, илмий ходимлар Музаффар Муюнов, Аброр Абдурахимов ҳамда Вирусология илмий-тадқиқот институти директори Эркин Мусабоев раҳбарлигидаги тиббиёт ходимлари иштроки этган.

4. ПЛАЦЕБО НАЗОРАТЛИ ТАДҚИҚЛАР ҲАҚИДА

2020 йил 19 ноябрь куни Инновацион ривожланиш вазирлигининг Илгор технологиялар маркази томонидан сифат назорати текширувларини ўтказиш учун тақдим қилинган вакцина, плацебо намуналар ва тегишли стандартлар ҳамда реагентлар Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузуридидаги Давлат маркази томонидан қабул қилинди.

5. ВАКЦИНА КОРОНАВИРУСНИНГ ҚАЙСИ ШТАММЛАРИГА ҚАРШИ ТАЪСИР ҚИЛАДИ?

Cell Research (CR) халқаро илмий журналида «SARS-CoV-2 вируси мавжуд вариантларнинг инактивланган ва RBD-суббирлик вакциналарига гуморал иммун жавоби» (Humoral immune response to circulating SARS-CoV-2 variants elicited by inactivated and RBD-subunit vaccines») номли мақола чоп этилди. Мақолада COVID-19 билан касалланган беморлар, соғлом инсонлар ва мазкур икки вакцина билан эмланган шахсларнинг қонидан олинган плазмаларнинг самарадорлиги «қаршиқанча» штаммга нисбатан текширилган. Инактивланган ва рекомбинант вакцина билан эмланганлар ва касалликда чалинган шахсларнинг плазмаси олинган ҳақиқий вирус ва псевдо вируснейтрализация (зарарсизлантириш) in vitro тестлари ўтказилганда, рекомбинант ZF-UZ-VAC2001 вакцинасида ушбу мутант вариантнинг зарарсизлантириш хусусияти нисбатан юқори эканини тасдиқлаган. Шунингдек, мақолада D614G мутант варианты (ушбу вариант айна дама бутун дунёда тарқалган бўлиб, доминант вариант ҳисобланади) назорат сифатида олинган бўлиб, вакциналарнинг ушбу вариантнинг нейтраллаш кўрсаткичи тест вариантлариникидан ҳам бандроқ эканлигини кўришимиз мумкин.

2020 йил 19 ноябрь куни Инновацион ривожланиш вазирлигининг Илгор технологиялар маркази томонидан сифат назорати текширувларини ўтказиш учун тақдим қилинган вакцина, плацебо намуналар ва тегишли стандартлар ҳамда реагентлар Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузуридидаги Давлат маркази томонидан қабул қилинди.

<https://xs.uz/.../ozbekistonda-khitov-vaksinasining.../>
<https://uznews.uz/uz/article/26612/>
2020 йил 10 декабрь куни Ўзбекистонда коронавирга қарши рекомбинант вакцинанинг учинчи синов босқичига старт берилди.


<https://teznews.uz/.../ozbekistonda-vakcinazisiya.../>
<https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/10/vaccine/#/>
<https://kun.uz/.../ozbekistonda-koronavirusga-qarshi.../>

<https://azon.uz/.../koronavirus-uzbekistonda-vakcinaning-uch.../>
<https://uz-vac2001.vacinasini-tadqiqotlarini-n.../>
2020 йил 10 декабрь куни Ўзбекистонда коронавирга қарши рекомбинант вакцинанинг учинчи синов бос

Тарих ва тақдир

Тарих кўп воқеаларга гувоҳ бўлган. Давлатларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, юксак тараққиётга эришиши, таназзули, алломаларнинг илм-фани юксалтириши, қўллаб қашфиётларни яратиши, халқлар, миллатлар ҳаётидаги ўзгаришлар, янгиланишлар, инсоният томонидан турли ўлжалар, мамлакатларда мухташам ва улугвор меъморчилик ансамблларининг барпо этилиши, ҳарбий кўшиклар, қурол-аслаҳаларнинг ишлаб чиқарилиши, урушлар ва улар оқибатда юзага келган вайронгарчиликлар, башариятни оғир синовлардан ўтказган табиий офатлар, тақдирнинг қувонч ва ташвишлари — ҳамма-хаммаси тарих бағридан жой олган.

Тарих босиб ўтган шоъли ва синовли йўлларда халқимизнинг, улуг аждодларимизнинг, давлатимизнинг, мамлакатимизнинг ҳам ўзига хос муносиб изи бор. Жумладан, ўрта асрларда фаолият юритган, яъни XI-XIII асрларда ҳукмронлик қилган Ануштегиний — Хоразмшоҳлар давлати, унинг намоёндаларидан, халқимизнинг миллий қаҳрамони Жалолиддин Мангубердиннинг отаси Оловуддин Мухаммад ва бобоси Оловуддин Такишининг ҳукмдорлик давлари ҳам тарихий жиҳатдан алоҳида эҳтиромга лойиқ. Бу хоразмшоҳларнинг тақдирдан айрим лавҳалар авлодлар кўз ўнгиде уларнинг шахси ва ҳарбий салоҳиятларини намоён этади, деб ўйлаймиз.



МОЗЕЙДАН ДАВЖАМЛАР

Хоразмшоҳ Султон Оловуддин Такиш билан Бағдод халифаси Носиридан ўрта-сида кўп йиллар давом этган зиддиятлар барҳам топиб, оқибатда дўстона муносабатлар тикланади. Халифа ан-Носир Хоразмшоҳ ва унинг ўғли Қутбиддин Мухаммадга фахрий кийим-бош юборади. Шу билан бирга Султон Такишининг Хоразмдан ташқари Хуросон, Мовароуннаҳр ва Форс Ироғининг ҳукмдори эканлигини фармон (маншур) билан тасдиқлайди. Хоразмшоҳ, айни пайтда, Султон "Олоуд-дунё ва дийн Абдул Музаффар Мухаммад Такиш Бурхонул Амирул Мўминин" унвони билан улуғланади.

Хоразмшоҳ Халифа билан муносабатларини яхшилашдан кейин мулҳидлар, ботиныйлар деб ном чиқарган исмоилыйлар юртига ҳужум қилади. Уларнинг пойтахти Аломуддан кейин иккинчи ўринда турадиган Қоҳира шаҳрини қамалга олади. Тўрт ойлик қамал ва тазийқдан кейин қалъа аҳлига зиён etkazмаслик шарти билан уни қўлга олади. Бу шаҳар ҳам Форс Ироғиде волийлик қилаётган ўғли Тожиддин Алишоҳ кўл остига ўтади. Шундан кейин Султон Такиш Хоразмга қайтади. Унинг Хоразмга қайтishi санасини муаррихлар 1200 йилнинг эрта баҳорида рўй берди, деб ёзадилар. Исмоиыйлар Султон Такишини Қоҳира қалъасини босиб олишга ундаган одам унинг вазири Низом ул-Мулк Масъуд ибн Али деб ўйлайдилар ва ундан қасд олиш ҳаракатига ўтайдилар. Мулҳидлар томонидан юборилган фидоыйлар Хоразмшоҳнинг вазирини пичоқлаб ўлдирдилар.

Тарихчи Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Низом ул-Мулк Масъуд ибн Али нафақат Хоразмда, мусулмон оламида яхши фазилатлари билан танилган, илм-маърифатни улуғлайдиган, ҳақиқатпарвар, одамлар учун кўп яхшиликлар қилган, самимий инсон бўлган. У шофий мазҳабиде бўлгани учун Марвада шофийлар учун ханафийлар масжидига нисбатан ниҳоятда улугвор ва мухташам масжид барпо эттирди.

Унинг бу ишидан ханбалия мазҳаби вакилларининг етакчиси, Марв шайхулисломии даргазаб бўлади. У атрофига ҳар хил қаланги-қасангиларни йиғиб, масжидни ёндириб юборади. Бундан хабар топган Хоразмшоҳ шайхулисломии ва масжидни ёндиришга қатъанашганларни тутдириб, улардан масжид биносини қуришга сарфланган пулни ундириб олади ҳамда жазолайди. Низом ул-Мулк Масъуд ибн Али Гурганджа ҳам катта мадраса ва Жомъе масжид барпо эттирди. Мадрасада кутубхона ташкил этади. Вазир, булардан ташқари, Хуросоннинг кўллаб шаҳарларида гузал меъморий ёдгорликлар ҳам тиклатади. Султон Такиш вазирига ҳурмати юксаклигидан унинг ҳали балогатга етмаган фарзандини отаси ўрнига вазир қилиб тайинлайди. Бола бу ишни бажара олмаслигини айтиб узроҳлик қилади. Аммо Хоразмшоҳ фармонини ўзгартирмайди. Лекин вазирининг ўлигига саройда кўп ишлаш насиб этмайди. У Султон Такишдан олдин ҳаётдан кўз юмади.

Хоразмшоҳ бош вазирининг ўлдирилгани учун исмоиыйлардан 4ч олишга киришади. Хуросон волийси бўлган ўғли, валиҳади Қутбиддин Мухаммаднинг қўшини билан исмоиыйлар (мулҳидлар) юртига ҳужум қилишга буйруқ беради. Бу буйруқни мувофиқ Қутбиддин Мухаммад исмоиыйларнинг Туршиз қалъасини қамал қилади. Қамал тўрт ойга чўзилди. Ниҳоят, исмоиыйлар Хоразмшоҳ номига хутба ўқитиш ва йилига 100 минг динор хирож тўлаш шарти билан тинчлик сулҳини тузишга эришадилар. Бундай сулҳ тузилишдан олдин Султон Такиш катта қўшин билан ўғли Қутбиддин Мухаммадга ёрдам бериши учун Хоразмдан йўлга чиқади. Йўлда келаётиб нафас бўғилиш касали зўраяди. Касал бурундан томоққа ўтади. Табиблар унинг юришини тазкиқлайдилар. Бироқ Хоразмшоҳ юришда давом этади. Хаста ҳолда Шахристонга етиб келади ва шу ерда ҳижрий 596 йил рамазон ойининг 19 кунчи (1200 йилнинг 23 июни) вафот этади. Унинг ўлими ҳақида Қутбиддин Мухаммадга хабар юборилди. Қутбиддин Мухаммад Шахристонга келиб, отасининг ўлганини маълум қилиб, жаноза ўқитиб, Хоразмга йўл олади. Гурганджа келиб отасининг майитини унинг ўзи бир пайтлар барпо эттирган энг катта мадрасанинг хонасига

дафн қилдиради. Отасининг васияти амалга ошади.

Муаррихлар асарларида Султон Такишини адолатпарвар, самимий, одамлардан меҳр-муҳаббатини аямайдиган, инсонийликни улуғлайдиган, қонун-қоидаларга оғишмай амал қиладиган ҳукмдор эди, деб таърифлайдилар.

У илм-маърифатни юксак қадрлаган, ислом динининг ақоидларини яхши билган, алломалар ва уламоларни, шоирларни ниҳоятда ҳурмат қилган. Унинг бирор-бир анжумани уларсиз ўтмаган. Оловуддин Отамалик Жувайний асариде шундай бир воқеани келтиради: "Хоразмшоҳ Қутлуғ Инончага ёрдам бериши учун Хоразмдан Хуросонга ҳаракат қилди. Уша сафарда котиб Баҳовуддин Бағдодий Хоразмшоҳнинг хизматида эди. Бирин-кетин бораётган қўшинлар Жувайнига етган, бобомнинг отаси Баҳовуддин ибн Али Озодвор қасабасидан Хоразмшоҳнинг хузурига чиқади. Баҳовуддин Бағдодий билан катта бобом ўртасиде низо келиб чиққан. Тортишуву Хоразмшоҳнинг диққатини тортган. Бу муносабат билан катта бобом вазирининг бир ишорати орқали "Лутфинг бебаҳо жаеҳарни қадрсизлантиради. Қўлинг очилгиш Жайҳунни унуттиради. Агар ҳақиқатни айтадиган бўлсак, ҳукминг фалак тоқидан ёлгонни ўйқ қилади", деган мазмунда рубоий битади. Бу рубоийни эшитган, Хоразмшоҳ ярим кечагача шароб ичади. Катта бобомга қўрсатиб, уни бебаҳо ҳадылар билан шарафлантиради..."

Уша даврда Султон Такишининг илтифотиға етишиб, бебаҳо ҳадылар билан шарафланганлар орасиде Рашиддин Ватвот, Имодий Завзоний, Бурхониддин Абусаид, Камолиддин Исмоил, Ҳоқоний, Сирожиқиддин Ёкуб Саккокий, Зоҳириддин Тоҳир Фаробий ва яна кўплаб ижодкорлар, шоирлар бўлган.

Султон Такишининг санъатга, айниқса, мусиқага ихлоси баланд бўлган. Уд созини ниҳоятда яхши чалган. Тарихчи Сибт ибн ал-Жавий унинг мусиқага ихлосмандлиги билан боғлиқ бир воқеани ёзиб қолдирган: "Айтишларича, исмоиыйлар (мулҳидлар) юртига Такиш ҳужум қилганидан кейин уни ўлдирishi учун фидоыйлардан бирини юборишди. Уша фидоий саройга яқинлашганда Хоразмшоҳ уд чалиб, қўшиннинг навбатидеги "Эй, мен сен и билдим, жонини сақламоқчи бўлсан, кўл, ўзини қутқар" деган мисраларни қўлади. Қопил, ҳақиқатан ҳам, Хоразмшоҳ менинг бу ерга нима максатда келганимни билибди, деб ўйлаб қочади. Бироқ фидоийи қўлга тушади ва қатл қилинади".

Тарихий асарларда Хоразмшоҳнинг билимдон ва сўзга чечанлиги, одамлар билан муомаласи бобиде ҳам маълумотлар ўрин олган. Ҳикоя қилинишича, фуқароларидан бири унга мактуб ёзиб, шундай дейди: "Сен ҳам мусулмонсан, мен ҳам мусулмонман. Шундай экан, мен сенга ука бўламан. Укаға эса бойликлариндан бир қисmini беришигиз керак!" Такиш унга ўн олтин динор юборишларини буюради. Уша фуқаро ўн олтин динорни олганидан кейин "Мен сенга бойлигинге кўп, деб ўйлагандим. Сен эса менинг укалик ҳақимни бор-ўйги ўн динор деб белгилабсан. Наҳотки, уканинг ҳақи ўн динордан иборат бўлса?" деб ёзади. Такиш унга шундай мактуб жўнаттиради: "Тўғри, сен менинг укамсан. Сеннинг укалик ҳақинге ўн динор бўлди, шунга ҳам қаноат қил. Агар сенга ўхшаган укаларимнинг ҳаммаси мендан ўз ҳақларини талаб қилганда, сен ўша ўн динорни ҳам ололмадинг!"

Муаррих Жузжоний асариде Султон Такишининг қилчоқ уругига мансуб хотини Туркон Хотуннинг рашқчи, қасоскор, ўз сўзини бошқаларга ўтказиш учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган аёл эканлиги ҳақидаги маълумотни ҳам келтириб ўтади. Маълумки, Хоразмшоҳ қўшини сафиға қилчоқлар келиб қўшилганларидан кейин у қилчоқ хони Жонкишининг қизига уйланади. Бу малика кейинчалик саройда Туркон Хотун унвонига эга бўлади. Хоразмшоҳлар саройини кўл остига олишга интилади. Султон Такиш бир гал ҳаммомда қуовузда канизақлар билан бирга чўмилаётганда рашқ туфайли ҳаммомнинг эшигини қулфлатади. Натижанда Хоразмшоҳнинг ҳаммомда иссиқдан бўғилиб ўлишиға оз қолади. Султон мулозимлари томонидан қутқариб олинади.

Бу ишни Туркон Хотун амалга оширганлиги сирилгича қолади.

Султон Такишининг ҳаётда, мамлакатни бошқаришда, ҳукмдорлик борасиде ўзига хос қарашлари бор эди. "Азар ҳукмдор қўшинни жангга ўзи бошлаб бормаса, у мамлакатни бошқаришга қодир бўлмайди, халқ эътиборидан четда қолади". Бу унинг бош гоёси эди. Шунинг учун ҳар бир жангда қўшинга унинг ўзи бош бўларди. Лашкарларини орқасидан эргаштириб ғалабани таъминларди. Хоразмшоҳ сиёсат борасиде ҳам етук давлат арбоби, моҳир етакчи, кўрқмас лашкар-боши эди. У 28 йил давлатиде Хоразмни бошқарар экан, шимолда Орол денгизидан жанубда Форс кўрфазига қадар, шарқда Талас ўлкасидан ғарбда Бағдод халифаси чеғараларига қадар қудратли мамлакат барпо этди. Бу мамлакатни бошқариши фарзандларига мерос қилиб қолдирди.

Султон Такиш томонидан валиҳад, тахт вориси қилиб белгиланган Қутбиддин Мухаммад Хоразм тахтиға 1200 йилнинг 4 августиде ўтиради. Унинг давлатиде бошқаришчи қўлга олиши билан барча мамлакатларга, ўлкаларга хабарлар юборилди. У аввалги Қутбиддин номи ўрнига отасининг Оловуддин лақабини олади ва Оловуддин Мухаммад Хоразмшоҳга айланади.

1203 йилнинг январиде Гур давлатининг ҳукмдори Гийсиддин Абдул Фатҳ Мухаммад ибн Сом вафот этади ва унинг ўлими мамлакатда ҳар хил тартибсизликларни келтириб чиқармаслиги, тахт учун курашлар авж олмаслиги учун баҳорғача сир сақланади. Март ойиде Ҳиндистондан қайтиб келган Шихобиддин Гурий ақасининг ўлганини эълон қилади. Шу билан бирга у Гурийлар мамлакатига ҳукмдорлиқни ақасининг ўғли, қонуний жиҳатдан тахт вориси ҳисобланган, отаси каби ўзига Гийсиддин лақабини қабул қилган Маҳмуд ибн Гийсиддин Мухаммадга бермасдан ўзи эгаллайди. Гурлар давлатининг пойтахти қилиб Фазани белгилайди. Синглисининг ўғли Алп Ҳозини Ҳирот волийлигиға тайинлайди. Гийсиддин (Маҳмуд) Мухаммадга эса Хуросон ноиблигини бериб, Ферузқух, қалъасини унинг марказига айлантиради. Шихобиддин Гурий Шимолий Ҳиндистон ва Гурлар мамлакатининг ягона ҳукмдорига айланган. Хоразмшоҳ билан курашишга қатъий бел боғлайди. Бу курашни Марвни ишғол қилишдан ва унга Мухаммад ибн Жўрбекни волий қилиб тайинлашдан бошлайди. Кейин Обиварда ҳужум қилиб, уни эгаллайди. Обивард Шихобиддинга тобе бўлганидан кейин атрофдаги ўлкаларнинг амирлари унга бўйин эгалдилар. Бу воқеалардан сўнг Шихобиддин Гурий Ҳиндистоннинг Лохурига йўл олади.

Мухаммад Хоразмшоҳ ҳам Хуросондаги мулкиға Гурларнинг ҳужум қилганини эшитиб, уларға қарши 2004 йул бошида курашга киришади. Марвни ишғол қилиш учун қўшин юборади. Бу қўшинға Мухаммад ибн Жўрбек Марв яқинида лашкарлари билан қарши чиқади. Жўрбек қўшини сон жиҳатдан устун бўлишға қарамай мағлуб бўлади. Гурликлар Марва кириб мудофалапанади. Ўн беш кунлик қамалдан кейин Марв кўлга олинади. Асир олинган Жўрбекнинг боши танасидан жудо қилиниб, Хоразмга юборилади. Бу ғалабадан кейин Мухаммад Хоразмшоҳ катта қўшин билан Ҳиротға ҳужум қилади. Икки ойлик қамалдан кейин шаҳар тўла босиб олинади. Ҳирот волийси Алп Ҳозин Мухаммад Хоразмшоҳ тақлифларига қўнишдан бошқа иложи қолмади. Хоразмшоҳнинг тақлифларига кўра Алп Ҳозин унинг хузурига бўйин эгиб келиши, катта миқдорда хирож тўлаши, Хоразм давлати хуздларига дахл қилмаслиги, Гурийлар ҳукмдори Шихобиддин билан ўзи ўртасиде тинчлик сулҳини тузишда воситачи бўлиши талаб этилади. Алп Ҳозин Хоразмшоҳға хирож тўлаш учун халққа солиқ солади. Бундан аҳоли қийналади. Шу сабабли Хоразмшоҳ Алп Ҳозини ва халқни хирож тўлашдан озод қилади. Султон Мухаммаднинг талаблари тўла бажарилмайди. Чунки Алп Ҳозин касаллиги туфайли вафот этади.

Ҳиротнинг қўлдан кетиши, Алп Ҳозининг вафот этиши, Жўрбекнинг қатл қилиниши Шихобиддин Гурийни ғазаблантиради. Шихобиддин Гурий билан Хоразмшоҳ ўртасиде бир неча бор таҳдидли мактублар алмашинади. Ўртада урушининг юз бериши ҳақиқатга айланади. Ниҳоят, Шихобиддин султон Мухаммад қўшинини тор-мор қилиши

учун 1204 йилнинг кузиде Хоразмга етиб боради. Минхожиддин Жузжоний "Табоқоти Носирий" асариде ёзишича, иккала қўшиннинг илғори Амударёға яқин жойда, Сувқора (Қорасув) канали бўйиде тўкнашади. Жанг оғир кечади. Иккала томондан кўп лашкарлар ҳалок бўлади. Хоразмшоҳ қўшинидан асир тушганлар қатл қилинади. Жувайнийнинг маълумот беришича, гурликларнинг лашкарлари сон-саноксиз "ёпирилиб келаётган чигиртка ва чумолиллар ғаласи"дан ҳам кўп бўлган. Хоразмликлар каналнинг тўғналарини очиб, йўллари ва атрофни сувға тўлдириб Гургаҗга чекинадилар. Гур қўшини йўллар сувдан тозалангандан сўнг, бир ярим ойдан кейин Хоразмнинг пойтахтиға йўл оладилар ва уни қамал қилдилар.

Уша жараёнда бўлиб ўтган воқеалар хуСУСИДА Отамалик Жувайний шундай деб ёзади: "Хоразмликлардан кимдир аввалроқ Хоразмга бориб, гурликлар бостириб келаётгани хабарини бериб, қутулмаганда пайдо бўлган бу бало-қазондан гурганжликларни озоқлантиради. Халқ душманға қарши мардларча туриши, асир тушиб хор бўлмаслиқ учун гайрат қилиб, душманни даф қилиш борасиде ақдил бўлди. Ҳамма қилч, найза каби жанг қуроллари билан таъмин этила бошланди. Диннинг тиргаги ва юртнинг қўргони ҳисобланган имом Шихобиддин Хевақий душманни ўлдирishi ва уларни Ватаннинг муқаддас туپруғидан батамом улоқтириб ташлаш учун халққа насиҳат қилди. Минбарда хутбадан кейин "Жонини ва молини ҳимоя қилаётганида ўлдирилган киши шаҳиддир" маъносидеги ҳадиисға таъниниб, гурганжликларини жанг қилиши учун фатво берилди. Бунинг таъсирида халқнинг гурур ва ориянада ортди, ҳаммаси бирданнга ишға киришди. Дастлаб шахсий жамғармадан маблағ ажратиб бир қанча фидоокорликлар кўрсатган Шихобиддин Хевақийдан кейин бошқалар ҳам пул, қурол ва бошқа нимаки нарваси бор бўлса барчасини ўртаға ташладилар". Уша пайтда Хоразмда бўлган яна бир муваррих Мухаммад Авфий ёзишуча,

"Туркон Хотун (Мухаммад Хоразмшоҳнинг онаси) Гургаҗда халқнинг тўла ревишда қуролланиши ҳақида бир фармон эълон қилдиради, ҳар хил буюмлардан бир қанча дубулғалар ясаттириб, шаҳар деворлари устиға маҳкамлатиб кўйдирди. Шу тариқа душманни шаҳар ичида катта қўшин бор эканлигига ишонтирди". Ана шу жараёнда Султон Мухаммад ниҳоятда оз лашкарлари билан шаҳарға киради ва эртасига 70 минг лашкардан иборат қўшини билан Гургандан чикиб, Нузвор канали соҳилида қароргоҳ қурдиради. Хоразмшоҳ вақтдан фойдаланиб, Гурхондан, қорихитойлардан ёрдам сураган эди. Қорихитойлар Тайюнг бошчилигида Уттор ноиб Тожиддин Билгахон ва Самарқанд ҳокими Усмон ибн Иброҳим ҳамкорлигида катта қўшин билан ёрдамға келади. Хоразмшоҳ қўшинининг қучайиши ва қорихитойларнинг уларға ёрдамға келиши Шихобиддин Гурийни тахликаға солади. Тарихчилар маълумотларига кўра, Шихобиддин Гурий Гурганж остонасиде Хоразмшоҳ қўшини билан жангға киришади. Бу жангда гурликлар мағлуб бўлади. Шихобиддин қўшинидаги филлар, туялар, отларнинг бир қисmini хоразмликлар қўлиға тушмасин деб ўлдиртириб, Гургандан Хазораспға чекинади. Катта жанглардан бири Хазорасп яқинида бўлиб ўтади. Бу жанг Гур қўшинининг мағлубияти билан якулланади. Уларнинг кўзга кўринган одамларидан, амирларидан қўли асирлик тузониға тушади ва Шихобиддин Гурий қўшинининг қолган-қутгани билан Қорақум бағриға қочади. Султон Хоразмшоҳ эса кўп сонли фил, моғ, от ва туяларни қўлга киритиб, борган жойларидаги аҳолиға кўп яхшиликлар қилиб, ортага қайтади. Хоразмға борғач қилган яхшиликлари ва ватан мудофаси йўлида сadoқатлари учун халққа тўй қилиб беради...

Камол МАТЕҚУБОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Эътироф

Хайрия ИШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН

29-ўринға кўтарилди

2020 йилда Ўзбекистон САҲ (Charities Aid Foundation) хайрия жамғармаси тақдим этган Хайрия индексиға кўра (World Giving Index) жаҳон рейтингиде 114 мамлакат орасиде 2018 йилдаги 53-ўридан 29-ўринға кўтарилди.

- Мамлакат рейтингини учита йўналишдаги ўртача қиймат кўрсаткичларига боғлиқ:
* хайрия ташкилотларига тушган маблағлар;
* аҳолининг муҳтож қатламига ёрдам кўрсатиш;
* кўнгилли сифатида кўмак бериш.



2020 йилда юз берган глобал пандемияға қарамай, одамларнинг бир-бириға гамхўрлик қилиши, меҳр-оқибати, ҳамжихатлиги, сахийлиги оғир муаммоларни дунё миқёсиде бартараф этишға ёрдам берди. Ўзбекистонда хайрия ва ўзаро ёрдам бериш маданияти қанчалик юксалганини Хайрия индексида тўтган ўрни ҳам тасдиқлайди.

Ўзбекистон 2020 йилда хайрия ташкилотларига ажратилган маблағлар бўйича 18-ўринни (46%), муҳтожларға тўридан-тўғри саховат ёрдами кўрсатган одамлар сони бўйича 58-ўринни (57% фуқаро), кўнгилли сифатида кўмак бериш бўйича 62-ўринни (16%) эгаллади.

Индонезия бу борада 2020 йилға жаҳон рейтингиде биринчи ўринни банд этди. Кения иккинчи, Нигерия учинчи ўринда қайд этилди. Мутахассислар ушбу мамлакатларда хайрия ёрдамини кўпайишини қамбағал аҳоли қатламларининг аҳоли ёмонлашаётгани, шунингдек, фуқаролик жамияти ва кўнгиллилар ҳаракати фаоллашгани билан изоҳлашмоқда.


Тадиқот натижаларига мувофиқ, "бахтли" мамлакатлар фуқаролари "бои" давлатларда яшовчи кишиларға қараганда кўпроқ хайрия қилишади. Аҳолининг ўз ҳаётдан қонқиш даражаси ва хайр-эҳсон қилишға мойиллиги ўртасиде боғлиқлик мамлакатнинг моддий фаровонлиги (ЯИМ) ўртасидеги ўзаро тақосда статистик жиҳатдан устуңлиги аниқланди.

Тадиқотларда ишонарли демографик тенденция аниқланди. Унга кўра, умуман олганда, одамнинг ёши каттароқ бўлса, у кўпроқ ўз маблағларини хайрия учун сарфлашға мойил бўлади (лекин баъзи ривожланаётган мамлакатларда тесқари тенденция кузатилган).

Наргиза ОРТИҚОВА тайёрлади

ИБРАТ

Хайр-саховат ва фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат ва шону шарафға сазовор ва муносибдир, чунончи дур (инжу) садафға қараганда юқори даражададир.



Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ

"Адолат" СДП Сиесий Кенгаш Сиесий Кенгаш аъзоси Тальят Муродовға қизи Феруза МУРОДОВАНИНГ вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўйлаб топилмаган ҳикоя

Остона ҳатлаб кўчага чикқан одамнинг бир нимадан илинжи бўлади. Менинг илинжим – яхши сўхбатдош. Ундан бошқаси керак эмас. У гапириб турса, мен эшитсам бўлгани. Ҳар замонда унинг гапини маъқуллаб ёки бирор савол бериб қўйсам, колганга тоқат билан қулок тутиб туришимнинг ўзи етади. Бу галги сўхбатдошим қўшни кўчада яшовчи Илхомжон бўлди. У тарбия қўрган, яхши йигит. Гапида олди-кочди йўқ.

Рус аёлининг НАВОЙИГА ЭҲТИРОМИ

– Ўтган йили Россиядан иш тақлиф қилиб қолишди, – дея ҳикоясини бошлади Илхомжон. – Нима иш қилишимиз ҳақида сўраб-суришгирдим. Мазлум бўлишча, бир уйни замонавий услубда таъмирлашимиз керак экан. Мен қиладиган ишларимизнинг ҳисоб-китобини чикариб, икки кундан кейин россиялик хўжайинга таҳминан иш ҳақимиз қанча бўлишини, борди-келди учун йўлқирамиз харажати ҳақида айтдим.

Иш берувчи андақ хуноб бўлди: – Уй эгаси кекса онахон, – деди кўнгилмини юмшатиш учун у. – Мен ундан бунча пул талаб қилолмаيمان. Менга ўн фойз пулинг қолади, ҳолос.

Телефон ўчди. Лекин эртаси кунини кечки пайт телефоним жингилдади, қарасам, яна ўша – иш берувчи Иван Иванович экан.

– Келавер, эртага самолётга чипта жўнатаман. – дея мулоимлик билан гап бошлади у. – Тўрт киши бўлиб келинлар. Қолганини кейин гаплашамиз.

– Мен айтган нарх бўладими? – энсасини қотирдим яна.

Иван Иванович ух торгтандай бўлди:

– Келавер-чи, кампирни кўндирармиз. Ишингиз ёкса, бўлгани...

Ҳафта охирида кечги пайт қаердасан, Россия, деб ҳавога кўтарилдик.

Бизни кутиб олган Иван Иванович худди кеча биз билан бир дастурхонда ўтирган одамдай енгилгина сўрашди ва машинасига ўтқизиш, гази босди.

Бир соатлар чамаси йўл юриб, кўмак қарагайзорлар ёқалаб шаҳардан унча олис бўлмаган жойга етиб келдик. Бу ерда қурилиш ишлари авжида экан.

– Клавдия Васильевна, ишчиларни қабул қилиб олинг, – деди машинадан тушган заҳоти Иван Иванович.

Тахтали эшик очилиб, қари кампирнинг бужмайган юзи кўринди. У бошига рўмол ўраган, эгнига жигаранг камзул кийиб олганди.

– Қаердан бу қорақўллар? – сўради кампир.

– Ўзбекистон!
– Ичмайдими, булар?
Мен жавоб бердим:
– Ундай нарсаининг яқинига йўламаймиз...

Кампир оҳиста қўл силтаб, розиллик берди. Таъмирланадиган уйдан ташқари четрокда учта хона бор экан. Биттаси бизга ётоқхона, биттаси овқатланадиган хона бўлди.

Ўша кунини чой-пой ичиб олгандан сўнг дам олдик. Мен эртага ишни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида бош қотириб, таъмирталаб уйни кўздан кечириб чиқдим. Таҳминий ҳисоб-китобим бўйича етти юз миң рубль бўлиши, долларга ҳисоблаганда эса ўн миңг бўлиши керак эди. Лекин Иван Иванович кампир саккиз миңдан ошиғига кўнмаяпти, деганди. Қани, ишни бошлабверайлик-чи, бир гап бўлар...

...Бир ярим ой ичида таъмир ишлари ниҳоясига етди, энди ишни бинонинг том қисмида бошлашимиз керак эди. Нарводга юқорида кўтарилдик. Қарасам, чордоқда кўп нарсалар тикилиб ётибди. Кўзим четрокдаги темир сандиқчага тушди. Қўлф солинмаган экан. Сегини қонқогини кўтариб қарасам, ичи тўла китоб. Толстой, Тургенев, Лермонтов, Пушкин, Достоевский ва бошқаларнинг асарлари эди. Китоб таҳлавлари орасидан унисини, бунисини сугуриб кўрдим.

Лоп этиб кўзим «Навои» деган ёзувга тушди. Оч кулранг, қаттиқ муковали китоб эди. Мукова тепасидаги «Айбек» деган ёзувни ўқиб, юрагим хап-риқиб кетди. Янги топилгани оғайинларимга кўрсатиш учун чордоқдан қўлимда «Навоий» билан тушдим. Енгим билан китоб жилдининг орқа-олдини арғдим, ўртасидан тенг иккига очиб, хидлаб кўрдим, димоғимга нон хиди урилгандай бўлди. Ох-х-х!

Китобни йигитларга кўрсатдим:
– Алишер Навоий ҳақидаги роман. Ойбекники!

– Ие, ўрислар ҳам бизнинг ёзувчилар ёзган китобларни ўқирканми? – деб чувиллаб қолишди шерикларим.


Кампир қўлимдаги китобни кўриб қолди.

– Қаердан олдинг?
Дабдурустдан худди ўғирлик устиде қўлга тушган одамдай китоб ушлаган қўлимни орқага яширдим.

– Томдан, – дедим овозим қалтираб, юқорини кўрсатар эканман. – Ўша ерда ётган экан. Ўзимизнинг Ойбекники.

– А-ха, Айбек, – деди кампир жилмайиб. – Бу китобни менга эрим совға қилган. Тошкентдан олиб келганди. Уни икки марта ўқиб чиққанман. Навоий буюк инсон. Ойбек ҳам. Эрим жуда кўп ўқирди. Афсус, болаларим ўқимади, ҳаммаси дангаса. Бу китобларни улар чордоққа чикариб ташлашган.

Қўлимдаги китобнинг мукова орти саҳифасини очиб кўрдим, чап бурчагида хақиқатан ҳам «Клавага» деган ёзув ва имзо бор эди. Бир миңг тўққиз юзу саксон бешинчи йилда Тошкентдаги Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва



– А-ХА, АЙБЕК, – ДЕДИ КАМПИР ЖИЛМАЙИБ. – БУ КИТОБНИ МЕНГА ЭРИМ СОВҒА ҚИЛГАН. ТОШКЕНТДАН ОЛИБ КЕЛГАНДИ. УНИ ИККИ МАРТА ЎҚИБ ЧИҚҚАНМАН. НАВОИЙ БУЮК ИНСОН. ОЙБЕК ҲАМ. ЭРИМ ЖУДА КўП ЎҚИРДИ. АФСУС, БОЛАЛАРИМ ЎҚИМАЙДИ, ҲАММАСИ ДАНГАСА. БУ КИТОБЛАРИНИ УЛАР ЧОРДОҚҚА ЧИҚАРИБ ТАШЛАШГАН.

санъат нашриётида чоп этилган китоб ҳамон янгидек эди.

– Китобларингиздан олиб, ўқиб турсам, майлими? – дедим хижолатим аригач.

– Бемалол, – деди кампир ва бундан хурсанд бўлишни таъкидлади.

Китоб ўқинида шерикларим ҳам менга ёрдамлашиб юборишди. Ўрискани яхши билмасак-да, бир амаллардик...

Чордоқда ишга киришганимиздан сўнг китобларни битта коға жойлаб, паस्ता олиб тушдим.

Клавдия буви менга мунгли бокарди. Кампир коғада нима борлигини сезиб турарди. Ногоҳ кампирнинг кўзларига ёш қалқди.

Кампирни ранжитиб қўйдимми, деб ўйладим ўзимча. Йўқ, ундай эмас экан.

– Сен яхши бола! – деб елкамга қоқиб қўйди Клавдия хола. – Китобни яхши кўрган одамга ишонса бўлади!.. Буюк тафаккур эгаси бўлган Навоий ҳам китобхон бўлган. Бешинчи уни «сўз мулкнинг султони» дейишмайди. Сен ўша инсоннинг ав-

лоди эканингни исботладинг. Шу боис бу китобларни сенга совға қиламан. Барибир болаларим китоб ўқиймайди.

Кампирнинг гапларидан гурурланишимни билдириб қўйиш учун қўлимни кўксимга қўйиб таъзим

қилдим. Шуниинг баробарида унга ачиндим ҳам.

Ишлар якунига етгач, йўлга отланиш тадоригини кўра бошладим. Иван Иванович иш ҳақимизни қўлимизга тутказди.

Иш ҳақимизнинг қўшимчасини сўрашга уялдим. Клавдия Васильевна эшитиб қолса, нима деган одам бўламан, деб ўйладим.

Тонгда ҳаммадан аввал туриб, юз-қўлимни ювдим. Кеча хаёлимга келган бир ишни амалга оширишим керак эди. Қарасам, кампир бизга ноуштатлик тайёрлаётган экан. Аста эшикни тақиллатиб, ичкарига кирдим ва салом бердим. Димоғимга хуштаям пирунгин хиди урилди.

Кампир алик олди ва қандай дам олганини сўради. Мен бош бармоғимни кўрсатиб, «Во!» деб қўйдим.

– Клавдия буви, – дедим, – бугун биз кайтамиз. Ишларимиз сизга ёқ-дими?

Кампир мамнун жилмайди, бош бармоғини кўрсатиб, «Во!» деди.

– Мана, бу китоб, ўйлаб қарасам, эрингиздан сизга совға экан. Уни сизга кайтариб беришга қарор қилдим. Майлими? Балки яна қайта ўқиб чиқарсиз. Ўшанда Навоийнинг авлодлари бўлмиш – бизлар ёдингизга тушармиз.

Клавдия буви ҳаётида бу қадар қувонмаган бўлса керак. У менинг пешонамдан тақорор-тақорор ўлди ва китоб тутган қўларини нозик қўллари билан маҳкам сиқаркан:

– Иброҳим, сен қандай ажайиб йигитсан-а? – деб қайта-қайта тақорорлади. Сўнг: – Мен сендан бу китобни қандай қайтариб олсам экан, деб ўйлаб турувдим. Худо сеннинг дилингда солган, тўғрими? Худо дилингда солган... Менинг ҳам сенга атаган совғам бор, – дея у торгтадан бир даста долларини олиб қўлимга тутказди.

Вужудим аланга ичида қолгандай, икки юзим дув қизарди...

– Қаракмас, бизга олган пулимиз етади, – дедим кампирнинг қўлини қайтариб.

– Бу иш ҳақи учун эмас, бу сенин одамгарчилигинг, китобни эъозлаганингни учун муқофот! – деди кампир жиддий оҳангда.

Кўзимдан тиркираб ёш чиқиб кетди. Умирда бундай ҳолга биринчи бор тушимиз эди. Биргина китобни яхши кўрганам учун мени муқофотлаган олдингизга ўрис кампирдан беҳад миннатдор бўлдим. Коға жойлаган китобларимни уйга асраб-авайлаб олиб келдим.

Ана шунақа гаплар, ака, Россиядан олиб келган китобларни қўлга олишим билан кўз олдимга Клавдия буви келди. Кампир омонимқан? У ҳам ҳар гап «Навоийни қўлга олганда бизни эслаб кўяр, деб қўяман ўзимга ўзим.

Мухиддин ОМАД

ИҚТИБОС



“Охирги пайтлари жуда дангаса бўлиб кетаяпман-да, кеча, шу десангиз, кечқурун соат ўн бирда уйқуга ётиб, эрталаб саккиз деганда ўрнимдан турибман”.

Бу гапларни буюк олим Исаак Ньютон 84 ёшида, янада ажабланарлиси, ҳаётдан кўз юмишидан бир неча ҳафта олдин айтган экан.

ИНСОНИЯТНИНГ IQ ДАРАЖАСИ ПАСАЙМОҚДА

Бугунги кунда технологиялар ақл бовар қилмайдиган даражада тезликда ривожланмоқда. Ушбу тенденциянинг афзаллик жиҳатлари жуда кўп. Аммо минус томони ҳам бор — инсониятнинг IQ даражасини пасайтириши. Шу боис аҳолининг интеллектуал қобилиятидаги ўзгаришлар динамикаси кўнгилсиз натижаларни кўрсатмоқда.

Маълумки, шахснинг интеллектуал ривожланиши қўллаб омилига бориб, буларга экологик вазият, яшаш ва ишлаш шароитлари, ижтимоий муҳит, шунингдек, индивидуал хусусиятлари кирди. Масалан, ҳаётдаги ҳар қандай салбий ўзгаришлар ёки кучли ҳас-туйғулари бошдан кечириш интеллектуал даражасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундан таҳминан ярим аср олдин Ер юзи аҳолисининг ўртача IQ даражаси сезиларли даражада ошгани омилига томонидан қайд этилганди. Сўнги ўн йилликларда эса бу кўрсаткич пасайиш кузатилаётган. Норвегияда 730,000 кишининг ақлий ривожланиш коэффициенти тадқиқ этилиши шуни кўрсатдики, у ҳар ўн йилда 7 пунктга пастлаган. Олимларнинг ҳисобига қўра, агар бу давом этса, норвегияликларнинг ўртача IQ даражаси яқин орада 130 дан 69 гача тушади. Агар бутун дунё бўйлаб худди шундай тенденция ёйилса, ҳақиқий таъзазулга рўй бериши мумкин.

Экспертлар салбий динамикани техник ва технологиялар тараққиёти жуда тез суръатлар билан жаддаллаштириши туфайли экологик вазият ёмонлашгани, одамларнинг турмуш тарзи тобора кўпроқ қамқара-катликка асосланган болаётгани ва овқатланиш раци-ондаги табиий маҳсулотлар миқдори камайиб кетаётгани билан изоҳлашмоқда.

Вазиятни яхши томонга ўзгартиришга экологик муаммоларни ҳал қилиш, соғлом турмуш тарзини омма-лаштириш ва шахснинг ақлий ривожланишига комплекс ёндашиш орқали эришиш мумкин, дейишмоқда дунё олимлари.

Бугуннинг гапи

МЕТРО БЕКАТИДАГИ ТИРБАНДЛИК

мақсад чиндан ҳам йўловчиларга қулайлик яратилиши ёки..

Гарчи кимдир ишга, кимдир ўқиниша шошиляётган бўлса-да, эрталабдан кайфиятини бузишни истамайди. Шу боис итогақторона турнақатор бўлиб навбатга қўшилади. Аммо асаби чақоқлар ҳам учраб туради.

— Ҳой, барака топқур синглим, сиз нега навбатда турмай олдинга сўқила-яписиз? — деб бир аёл бақиради.

Чиптани навбатсиз олмақчи бўлган қиз ҳам бўш келмайди:

— Қасалхонага, операцияга шошиля-япман, — деб навбатда турганларни сў-риб, олдинга интилади.

Метро бекатининг чиптахонаси қар-шисидаги йўловчилар "инсофни ҳар ким-нинг ўзига берсин" қабилида қараб қўйи-

шади. Карантин чекловлари бекор қилин-маганини айрим йўловчиларнинг тиббий никоб тақиб олганидан ҳам билиш мум-кин, лекин чипта олишга навбатда тур-ганда ижтимоий масофани сақлаб бўл-маслиги ҳам шундоққина кўриниб ту-рибди. Шунга қарамадан коронавирус инфекциясини юқтириб олиши мумкин-лигини ҳеч ким уйлагани йўқ, ҳамма бо-радиган манзиллиги тезроқ етиб олиш пайида. Чипта сотувчи икки қизни ҳам

айблаб бўлмайди. Уларнинг қўли-қўлига тегмаепти, лекин йўловчиларнинг кўп-лигидан улғуришмаепти.

Нимаям дердик, бизга замондан орқада қолмайлик, бу янгилик деб тикиштириляётган тартиб-қоидаларнинг баъзилари одамларга қулайлик туғди-рас экан. Мана бунга бир мисол: метро бекатига киришга уринаётган йўловчи-ларнинг оёғига бир марта ишлатилди-ган тўрт энлик қозғоқ чипталар тушов бў-либ турибди. Ягона транспорт картала-рининг афзаллигини эса ҳали кўпчилик тушуниб етганича йўқ, шу боис узун на-вбатда туриб, қозғоқ чипта олишга мажбур бўляпти.



Агар истееьмолчи доим ҳақ тамоий-лига риоя этилса, транспорт хизмати кўрс-атилишида ҳам йўловчининг манфаати устун бўлиши керак. Бундан ташқари, ёшига қўра одамлар турли гуруҳларга бў-линиши ва жамоат транспортга чипта олишининг мураккаблаштирилиши маъ-лум гуруҳга қийинчилик туғдириши му-кинлигини ҳам унутмаслик зарур. Ягона транспорт карталарини қўя турайлик, қозғоқ чипта ўнгайсизлигидан уни турни-кет устига тўри қўя билиш кўп вақтни о-пяляпти. Баъзан метро ходимидан кў-мак сўраймиш. “Буни ким ўйлаб чиқарди, вақтни ояляпти-ку”, деб норозилиги-ни билдирсак, ўша ходимнинг энсаси

қотади: “Мен қаердан биламан, тепада-гилар билади-да...”

“Амир Темур хиёбони” бекатидаги шифтга осиглик катта экранда намойиш этиляётган видеоларга эътибор қарат-сангиз, карантин қоидаларига риоя қи-лиш тартиб этиляётганига ғувоҳ бўласиз. Аммо... бундан метрополитен маъмури-яти учун йўловчиларни коронавирустдан ҳимоя қилиш биринчи ўриндаги вазифа экан, деб хулоса чиқаришга шошилманг. Негаки, экрандаги тарғибот-ташвиқотга бекатдаги ҳақиқий ҳолат умуман мос кел-майди.

Шу бекатдан чиқётганимда кириш жойидаги турникет ёнида бола етакла-

ган аёллар, сумка кўтарган талаба йи-гит-қизлар, бир сўз билан айтганда, ту-монат одам тўпланиб қолганини кўриб, аввалига бирон кўнгилсиз ҳодиса рўй бердики, деган ҳаёлга бордин. Кейин гап нимадалигини тушуниб етдим. Йўловчи-лар кўпчилигидан чипта сотиб, уларни тур-никетдан ўтказиб юборишга улгура олиш-маётган экан.

Ҳабарингиз бор, 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб метрополитен кассаларида же-тон сотилиши тўхтатилган, унинг ўрнини қозғоқ чипта эгаллади.

Ҳар бир соҳада янгилик жорий этил-гани яхши, лекин, очигини айтганда, бизга метрода жетон қулай эди. Иста-ганча сотиб олиб қўярди. Кейин мет-рога тушмоқчи бўлсак, касса ёнига бир-либ турмасдик. Турникетдан ўтиш учун навбат ҳам кутмасдик. Қозғоқ чипта олиш учун эса бирон жойга боришда ҳам, қай-тишда ҳам қассага боришимиз шарт бў-либ қолди. Бу йўловчиға вақт масала-сида қимматга тушапти. Устига-устак тикилинчада карантин қоидаларига амал қилиш ҳам қийин.

Дарвоқе, бугун метрополитен муам-молар гирдобда қалқиб турибди: ярим йўлда тўхтаб қолган ҳам, эшиги очик қолган ҳам, электр таъминотида уз-илиш бўлган ҳам метро...

Суюндик МУҲАММАД

ADOLAT
O'ZBEKISTON
SOTIAL-DEKORATIK
PARTIYASI

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Бош мухәррир: Ислам ҲАМРОЕВ

- Тахрир хайъати:**
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

- Тошқўлат МАТИБАЕВ**
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Умиджон СҲАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-14 (144);
Котибият — 71 288-42-12 (132);
Кабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реқлама бўлими — 71 288-42-14 (132); 97 900-72-15

Навбатчи мухәррир — Саодат Раҳимова
Навбатчи — Абдуғани Солиқов

1995 йил 22 февралдан чика бошлаган

info@adolatz.uz
adolatz-95@mail.ru

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қозғоқ бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 700.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Адад — 21 603
Босиниға тоширилди вақти — 21.00
Босиниға тоширилди — 19.00
Баҳоси келишилган нархда кайтарилмайди.

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реқлама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.